Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 137 (5728).
17 ИЮНЬ 1985 Й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

тонгги газеталарда

● СССР Олий Совети Президиуми «СССРда хизмат кўрсатган конструктор» ва «СССРда хизмат кўрсатган технолог» фахрий унвонларини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди. СССР Олий Совети Президиумининг шу ҳақдаги Фармони, фахрий унвонлар тўғрисидаги Низом ҳамда кўкрак нишонларининг тасвири кечаги тонгги газеталарда эълон қилинган.

● Қуйи Саксония ўлкаси иштирокида «Ҳамжиҳатлик ва ишонч» шиори остида Ўзбекистонда ўтказилган Германия Федератив Республикаси кунлари 15 июнда ниҳоясига етди.

Шу кунлар давомида воқеалар ва учрашувлар кўп бўлди. Булар СССР билан ГФР халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ишига хизмат қилди.

КПСС Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети 1985 йил 12 июнь куни «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда таъкидланадики, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг қарорларини бажара бориб, клуб муассасалари ва спорт иншоотлари тармоғини кенгайтириш борасида бир қанча тадбирларни амалга оширдилар. Ғоявий-тарбиявий ишда, меҳнаткашларни мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишда уларнинг роли ошди. Жисмоний тарбиянинг оммавийлигини янада юксалтириш ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилинадиган бўлиб қолди.

Бироқ маданият ва спорт органлари, касаба союз ва комсомол комитетлари аҳолини коммунистик руҳда тарбиялаш, унинг бўш вақти фойдали ўтишини уюштириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва жисмоний чиниқтириш мақсадлари йўлида мавжуд моддий базалардан ҳанузгача тўла фойдаланмаётирлар. Ғоявий-маънавий тарбиялашга, совет турмуш тарзини пропаганда қилишга, буржуа идеологияси ва ахлоқини фош этишга, истеъмолчилик психологиясини, диний сарқитларни тугатишга, ичкиликбозлик ва жамиятга зид бошқа ҳодисаларга қарши курашга етарли эътибор берилмаётир.

Клуб муассасалари ва спорт иншоотлари ишида аҳоли турли табақаларининг ўсган маънавий эҳтиёжлари дурустроқ ҳисобга олинмаяпти. Уларда ана шу кишиларнинг бўш вақтларида турли машғулотларда қатнашишлари, бир-бирлари билан муносабатда бўлишлари ва маданий ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаётир. Маданият ва спорт муассасалари ҳаваскорлик ишларини суст ривожлантирмоқдалар, кўпинча томошалар ўтказишни кўзламоқдалар.

Маданий-маърифий муассасалар ва спорт иншоотларининг анчагина қисми қониқарсиз аҳволдадир. Маданият ва спорт муассасаларининг моддий-техника таъминоти яхши йўлга қўйилмаган Улар пропаганданинг техника воситалари билан жуда кам жиҳозланган .

Натижада кўпгина клублар ва спорт иншоотларига кишиларнинг қатнаши камайиб кетмоқда, ёшларнинг муайян қисми ўз бўш вақтини ана шу муассасалардан ташқари ўтказмоқда.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари клуб муассасалари ва спорт ташкилотлари ходимларини танлаш ва тарбиялаш билан бўш шуғулланмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область партия комитетларига, СССР Маданият министрлигига, СССР Физкультура ва спорт комитетига, ВЦСПСга, ВЛКСМ Марказий Комитетига, министрликлар ва идораларга маданий-маърифий муассасаларнинг, спорт иншоотларининг фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, улардан самарали фойдаланишни таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқишни таклиф этди. Қарорда таъкидланадики, маданият ва спорт муассасалари меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришда, жамоатчилик фикрини ўтмиш сарқитларига, социалистик турмушнинг нормаларини ичкиликбозлик, безорилик, сўкиниш каби бузиш ҳолларига қарши йўналтириб, шакллантиришда партия ташкилотларининг таянч марказларига айланмоғи керак. Клуб муассасалари ва спорт ташкилотлари совет кишиларининг бўш вақтларини фойдали ўтказишларини ташкил этарканлар, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда уларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини оширишга ёрдам беришга даъват этилганлар.

Бошланғич партия ташкилотлари маданият саройлари ва уйлари, клублар, парклар, кутубхоналар, музейлар ва спорт иншоотларининг иш планларини мунтазам кўриб чиқишлари ва тасдиқлашлари, уларнинг фаолиятини яхшилаш тадбирларини кўришлари керак. Бу ишда касаба союз ва комсомол комитетларининг роли оширилиши лозим.

Аҳолининг бўш вақти мазмунли ўтишини ташкил этиш учун, маданий-маърифий ва оммавий физкультура ишларида шахсий иштирок этишлари учун раҳбар кадрларга нисбатан талабчанликни ошириш лозим.

Клуб муассасалари ва спорт иншоотлари фаолиятида совет кишиларининг бўш вақт хусусидаги қизиқишлари ва эҳтиёжлари мунтазам ўрганиб борилсин ва ҳисобга олинсин, уларнинг маънавий камол топишига ёрдам берадиган маданий эҳтиёжлари ривожлантирилсин. СССР Маданият министрлиги бошқа министрликлар ва идоралар билан биргаликда аҳолини эстетик тарбиялашни янада яхшилаш тадбирларини тайёрласин ва амалга оширсин.

Қарорда маданият ва спорт муассасалари иш форма ва методларини мунтазам такомиллаштириш зарурлиги уқтириб ўтилган. Бўш вақтни ташкил этишда аҳолининг ўз-ўзини бошқариш, ташаббускорлик ва ижодкорлик роли оширилсин. Аҳолининг қизиқишларига қараб ҳаваскорлик бирлашмалари ва клублари, кино-фотостудиялар, техник ва бадиий тўгараклар кенг ташкил этилсин, байрамлар ва гражданлик маросимларини ўтказиш учун, ўйин автоматлари ва стол ўйинлари, рақслар, кўргазмалар учун махсус заллар ажратилиши ва жиҳозланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиниши керак. Маданият ва спорт органлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ана шу клублар, бирлашмалар ва тўгараклар фаолиятининг мазмуни устидан контрол ўрнатишлари лозим.

Ижодий зиёлиларнинг маданий-оталиқ ишларини активлаштириш, шаҳарларда, катта қишлоқларда театрлар, филармонияларнинг жамоатчилик асосидаги филиаллари тармоғини кенгайтириш, музика, бадиий ва спорт мактаблари, картина галереялари, музейлардан, кўргазмалар ва кутубхона фондларидан кўргазмаларни кенгайтириш тавсия этилди.

Маданият саройлари ва уйларидаги, клублардаги киноустановкаларни совет кинематографиясининг энг яхши асарлари билан оператив тарзда таъминлаб туриш зарур. СССР Кинематография давлат комитети СССР Маданият министрлиги, ВЦСПС, СССР Физкультура ва спорт комитети, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети билан биргаликда 1985 йил 1 октябрга қадар маданий-маърифий ва физкультура-оммавий ишларда Ватанимизда тайёрланган видеопрограмма ёзувларидан фойдаланиш тадбирлари ишлаб чиқиши керак.

СССР Маданият министрлиги, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Физкультура ва спорт комитети, СССР Маориф министрлиги, СССР ДОСААФ Марказий Комитети, Уруш ветеранлари совет комитети Мудофаа министрлиги билан ҳамкорликда ёшлар, болалар ва ўсмирларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашни яхшилаш мақсадида шаҳар ва районларда ёш денгизчилар, учувчилар, парашютчилар, космонавтлар, десантчилар, чегарачилар клублари, мудофаа-спорт лагерларини кенг ташкил этишлари зарур, деб топилди. Чақириқ ёшигача ва чақириқ ёшидаги йигитларни СССР Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлаш учун Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг маданий-маърифий ва спорт муассасаларидан яхшироқ фойдаланиш керак.

СССР Физкультура ва спорт комитети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, спорт иншоотлари қайси идорага мансублигидан қатъи назар, уларнинг мумкин қадар тўла қувват билан ишлашини таъминлашлари лозим. Спорт иншоотлари ҳузурида сиҳат-саломатлик мактаблари, югуриш ишқибозларининг клублари, соғломлаштириш юришлари, чаңғи ва велосипед спорти, сузиш клублари, ГТО комплекси группалари, болалар ва ўсмирлар учун спорт клублари мунтазам ишламоғи керак. Соғлом турмуш тарзи пропагандаси кучайтирилмоғи лозим.

Маданият саройлари, клублари ва спорт иншоотларини сақлаш ва улардан фойдаланишда ўзининг маданият ва спорт муассасалари бўлмаган корхоналарнинг шерикчилик асосида иштирок этиши тажрибасини амалда кенгроқ жорий этиш кўзда тутилади. Аъзолик бадалларини тўлаган ҳолда шахсий аъзо бўлиш асосида кишиларнинг қизиқишига қараб, ҳаваскорлик бирлашмалари ва клублари тузиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Мамлакат шаҳар ва районларида маданият-спорт комплекслари ташкил этилиши асосан 1985-1987 йилларда тугалланиши лозим.

СССР Маданият министрлиги, СССР Физкультура ва спорт комитети, СССР Госплани, СССР Молия министрлиги ВЦСПС билан биргаликда 1986 йилнинг 1 январигача СССР Министрлар Советига аҳолига ҳақ тўланадиган асосда маданият ва спорт муассасалари хизматини кенгайтириш тўғрисидаги таклифни киритадилар. Бунда ҳақ тўланадиган тўгараклар, секциялар ва курсларнинг ишлаши, маданият ва спорт анжомлари, энг яхши классик асарлар, совет ва чет эл музикаси асарлари ёзилган грампластинкалар ва магнитофон кассеталарини прокатга бериш учун зарур шароит яратиш ва уларнинг иш тартибини белгилаш назарда тутилади.

СССР Физкультура ва спорт комитети ВЦСПС ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари билан биргаликда хўжалик ҳисобида ишлайдиган физкультура-соғломлаштириш бирлашмалари, саломатлик комбинатлари ва мактабларини ташкил этиш, аҳолига физкультура-соғломлаштириш хизмати кўрсатилишини таъминлаш, абонемент группалар ва консультация-методик пунктлар ишини ташкил этиш таклиф қилинди.

ВЦСПС, СССР Маданият министрлиги, СССР Маориф министрлиги, СССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлиги, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети, СССР Физкультура ва спорт комитети СССР Молия министрлиги билан биргаликда машғулотлардан ва ишдан бўш вақтда маданий-маърифий ва физкультура-оммавий тадбирлар ўтказиш учун ўқув юртлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг спорт иншоотлари ва мажлислар залларидан фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқадилар. Клублар, маданият саройлари ва уйлари, стадионлар, сузиш ҳавзалари, спорт заллари ва майдончаларини мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларига бепул фойдаланиш учун, олий ўқув юртларининг студентларига эса, белгиланган ижара ҳақининг ярми тўланадиган тартибда фойдаланиш учун бериб қўйиш кўзда тутилади.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари манфаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда аҳоли истиқомат жойларида болалар ва ўсмирлар клублари ишини ва уларни моддий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлайдилар.

СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ўз қарамоғидаги маданият ва спорт муассасаларини СССР Маданият министрлиги, ВЦСПС, СССР Физкультура ва спорт комитети тасдиқлаган нормативлар асосида таъминлаш учун уларга бозор фондидан ташқари пропаганданинг замонавий техника воситалари, маданият, спорт анжомлари ва асбоб-ускуналар ажратиб бериш кўзда тутилади. Аҳолига ҳақ тўланадиган хизмат кўрсатганлик учун клуб муассасалари, музейлар ва спорт иншоотлари оладиган маблағлар, ҳаваскорлик бирлашмалари ва клубларнинг аъзолик бадаллари, шунингдек жойларда шанбаликлар ўтказишдан тушадиган маблағлар шу мақсадларга сарфланади.

СССР Маданият министрлиги, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Физкультура ва спорт комитети, министрликлар ва идоралар, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари маданият ва спорт иншоотлари қуриш планларининг бажарилиши устидан қаттиқ контрол ўрнатишлари, уларни ремонт қилиш, территорияларни ободонлаштириш, қишки шароитда ишлашга тайёрлашни ташкил этишлари зарур. Клубларнинг бинолари ва спорт иншоотларидан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмасин.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг маданият ва спорт муассасалари қуриш ва уларни ремонт қилиш учун студентлар отрядларини тузиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

СССР Госстройи СССР Маданият министрлиги, ВЦСПС, СССР Физкультура ва спорт комитети билан биргаликда 1986 йилнинг 1 июнигача маданият ва спорт муассасалари биноларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштиришнинг қурилиш ва технологик нормаларини кўриб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

Клуб муассасалари ва спорт иншоотларини, айниқса, қишлоқларда малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, уларга зарур уй-жой-маиший шароит яратиб бериш юзасидан қўшимча тадбирлар кўриш белгиланди. Маданият саройлари ва уйлари, клублар ва спорт иншоотларининг раҳбарлари ўзлари амалга ошираётган ишлар тўғрисида аҳоли олдида мунтазам ҳисоб бериб туришлари мақсадга мувофиқдир.

СССР Маданият министрлиги, СССР Физкультура ва спорт комитети, ВЦСПС, СССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлиги, СССР Госплани, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари маданият муассасалари ва спорт иншоотлари учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш системасини янада такомиллаштиришни таъминлашлари зарур. Қишлоқ ёшларини маданият ва физкультура институтларига қабул қилиш кенгайтирилсин. Уларда маданий-маърифий ишлар методист-ташкилотчиларини тайёрлаш кўпайтирилсин, ўрта махсус ўқув юртларида эса асосан бадиий ҳаваскорлик раҳбарлари тайёрлансин. Олий ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларида ўқитиш сифати яхшилансин. Маданият ва физкультура ўқув юртларига корхоналар, колхозлар ва совхозлар стипендиатлари кўпроқ юборилсин. Ёш мутахассисларни ишга тақсимлаш чоғида биринчи навбатда мамлакатнинг қишлоқ районлари, айниқса, РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонаси, Сибирь ва Узоқ Шарқ эҳтиёжлари ҳисобга олинсин.

СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети, СССР Кинематография давлат комитети, марказий ва маҳаллий газеталар, журналларнинг редакциялари клуб муассасалари ва спорт иншоотлари фаолиятини мунтазам ёритиб туришлари, аҳоли дам олишининг ўзини оқлаган янгидан янги формаларини пропаганда қилишлари зарур.

СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети эстетик тарбия, физкультура машғулотларини ташкил этишга оид оммабоп қўлланмалар, шунингдек болалар ва ёшлар учун маданият ва спортнинг энг муҳим проблемаларига оид адабиётлар нашр этишни кўзда тутади.

Мустақиллик учун курашувчиларнинг Умумҳиндистон уюшмасига

Ҳиндистон мустақиллиги учун кураш ветеранлари бўлган Сизларга қизғин, дўстона мактубингиз учун самимий миннатдорчилик билдираман. Мактубингизда баён этилган фикр-ўй ва туйғуларингиз Совет—Ҳиндистон дўстлиги чуқур ва мустаҳкам томир отиб, анъанага айланганлигидан, бу дўстлик СССР ва Ҳиндистон халқларининг манфаатларига пухта хизмат қилишидан, Осиёда ҳамда бутун Ер юзида тинчлик ва хавфсизликнинг олижаноб мақсадларига хизмат қилишидан яна бир карра далолат беради.

Совет—Ҳиндистон дўстлигининг сарчашмаларида В. И. Ленин, Махатма Ганди, Жавохарлал Неру турган эдилар. Совет—Ҳиндистон ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ҳинд халқининг улуғ қизи Индира Ганди жуда катта ҳисса қўшди. У Ҳиндистон билан СССР ўртасида мустаҳкам дўстлик йўлини қатъият ва изчиллик билан ўтказди.

Ҳиндистон Бош министри Ражив Гандининг яқинда Совет Иттифоқига ташриф буюрганлиги, Москвада бўлиб ўтган Совет—Ҳиндистон музокаралари Совет—Ҳиндистон дўстлиги жўшқин ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигини, бу дўстлик Осиёдагина эмас, балки бошқа регионларда ҳам тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омили эканлигини яққол исботлади.

Совет кишилари халқаро майдонда ҳақли равишда обрў-эътибор қозонган буюк давлат — Ҳиндистоннинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасини юксак қадрламоқдалар. Ҳиндистон қўшилмаслик ҳаракатининг танилган раҳбари бўлган ҳолда уни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун кўп иш қилаётганлиги ҳам унинг катта хизматидир.

Қўшилмаслик ҳаракатининг шаклланиши, унинг ҳозирги халқаро муносабатларда муҳим омилга айланганлиги Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги озодликка эришган давлатлар халқларининг катта ютуғидир. Мустамлака зулмининг оқибатларини тугатиш йўлида машаққатли кураш олиб бораётган ушбу мамлакатлар халқларининг муддаолари бизга яқин ва тушунарлидир. Совет Иттифоқи озодликка эришган мамлакатлар халқларининг мустамлакачилик ва империализмга қарши, тенг ҳуқуқли ва адолатли халқаро муносабатлар учун, ҳукмронлик ва зўравонлик қилишнинг империалистик сиёсатига қарши курашини ҳамиша қўллаб-қувватлаб келди.

Жаҳондаги кескин вазиятдан ташвишланаётганингизни тўлиқ тушунаман. Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, биз ҳар қандай уруш хавфини — ядро ёки космик уруш хавфини бартараф этиш учун бундан буён ҳам қўлимиздан келган ҳамма ишни қилаверамиз. Ташқи сиёсатимизнинг асосий принципи — урушларсиз дунё, қуролларсиз дунёдир.

М. ГОРБАЧЕВ.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев номига Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракати ветеранлари — мустақиллик учун курашчилар Умумҳиндистон уюшмасининг раҳбарларидан мактуб олинди. Мактубда, жумладан, айтиладики, Ҳиндистоннинг миллий озодлик ҳаракати ветеранлари Совет Иттифоқининг тинчлик учун, қуролланиш пойгасини авж олдиришнинг олдини олиш ҳамда, айниқса, Ғарбдаги империалистик давлатлар ядро ва «самовий» урушларга тайёргарлик кўраётган ҳозирги вазиятда уруш хавфини бартараф этиш учун курашда Совет Иттифоқининг ролини юксак баҳоламоқдалар.

Мактубда яқинда олий даражада бўлиб ўтган Совет—Ҳиндистон музокараларининг якунларига юксак баҳо берилган. Ҳиндистон билан СССР, дейилади сўнгра мактубда, барча давлатларнинг тинч-тотув яшаши ҳамда тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиши зарурлигига қаттиқ ишонадилар. Бу фикр икки мамлакат ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган тарихий шартномада ўз ифодасини топди. Азалдан буён, деб таъкидлашади Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракати ветеранлари, В. И. Ленин ғоялари кўпчилик ҳиндлар учун илҳом манбаи бўлиб келган. Улар Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги ишига кўмаклашади, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Мактубда ядро ҳамда «самовий» урушларнинг олдини олишга қаратилган совет тинчлик ташаббуслари тўла қўллаб-қувватланган.

(ТАСС).

● Сўздан ишга ўтайлик

Қиш—тайёргарликни ёқтиради

15 июнда партия, совет ва хўжалик активларининг йиғилиши бўлди. Унда Тошкент шаҳри халқ хўжалиги комплексини куз ва қиш мавсумига олдиндан тайёрлаб қўйиш масаласи муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов 1985— 1986 йиллар кузги-қишки мавсумида халқ хўжалигининг барча тармоқларини бир маромда ва узлуксиз ишлаб туришни таъминлаш бўйича Тошкент шаҳри партия, совет ва хўжалик органларининг олдида турган вазифалар тўғрисида доклад қилди.

Йиғилишда халқ хўжалиги комплексини қишки мавсумга олдиндан тайёрлаб қўйиш билан боғлиқ тадбирларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор берилди. Сўзга чиққан кишилар турар жойлар, подъездлар, квартиралар, инженерлик таъминоти объектлари ва системалари, қор тозалаш машиналари ва механизмлари паркларини ремонт қилиш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратишди. Мактаб, ҳунар-техника билим юртлари, болалар ва медицина муассасаларини кузги-қишки мавсумга тайёрлашга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиши кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров иштирок этди ва сўзга чиқди.

Йиғилиш ишида Тошкент область партия комитетининг секретари В. Г. Гордиенко иштирок этди.

Йиғилишда халқ хўжалигининг барча тармоқларини 1985— 1986 йиллар кузги-қишки мавсумида бир маромда ва узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича республика пойтахтининг меҳнаткашларига мурожаат қабул қилинди.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1985—1986 ЙИЛЛАР КУЗ-ҚИШ ДАВРЛАРИДА БИР МАРОМДА ВА УЗЛУКСИЗ ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ВАЗИФАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛГАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ ПАРТИЯ, СОВЕТ ВА ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ

МУРОЖААТИ

Партиянинг мамлакат экономикасини янада юксалтириш ва халқ фаровонлигини ошириш тўғрисидаги қарорларидан илҳомланган пойтахт меҳнаткашлари 1985 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик план ҳамда топшириқларини бажариш соҳасида ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленуми қарорларига амал қилиб, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирмоқдалар, ўзларининг барча мавжуд резервлари ва имкониятларини Тошкент шаҳри экономикасини янада юксалтиришга сафарбар этмоқдалар.

Шаҳарда корхоналарни реконструкция қилиш, уларни янги, юксак самарали техника билан қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Кенг кўламда уй-жой қурилиши амалга ошириляпти, энергия ва сув таъминоти, аҳолига транспорт, уй-жой ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш такомиллашяпти.

Шу кунларда шаҳар меҳнат коллективларининг куч-ғайрати «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик!» шиори остида ишлаётган, беш йилликнинг якунловчи йилини зарбдор, юқори унумли меҳнат билан нишонлаш мажбуриятини олган 18 нафар ишлаб чиқариш илғорининг ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, социалистик мусобақани кенг авж олдиришга қаратилган. Барча партия, касаба союз, совет, хўжалик органларининг бош вазифаси корхоналар, қурилишлар, бутун халқ хўжалиги йилнинг қолган даврида бир маромда ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратишдан иборатдир. Бу даврнинг икки ойдан зиёдроғи куз-қиш мавсумларига тўғри келади.

Шу муносабат билан халқ хўжалигини куз-қиш мавсумларида ишлашга олдиндан тайёрлаш бўйича зарур тадбирларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу билан бирга ўтган йилги қиш якунлари шундан далолат берадики, куз-қиш даврига тайёргарлик соҳасида йўл қўйилган камчиликлар корхоналар ва ташкилотларга шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатишда жиддий қийинчиликлар вужудга келтирди.

Ҳозир аксарият бирлашмаларда, завод ва фабрикаларда, Тошкент шаҳар Советн ижроия комитетининг хўжаликлари ва хизматларида 1985—1986 йилларнинг қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан ташкилий-техник тадбирлар плани ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда.

Уларни бажариш учун ҳар бир меҳнат коллективида ҳамда тошкентликларни ишлаб чиқариш ва жамоат биноларини, уй-жойларни, инженерлик коммуникацияларини қишга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш, шаҳарни ободонлаштириш ишларига фаол жалб этиш мақсадида аҳоли ўртасида кенг ташкилий ва тушунтириш ишларини олиб бориш лозим.

Тошкент ТЭЦи, иссиқлик марказлари ва иситиш қозонхоналари, электр иссиқлик ва сув таъминоти тармоқлари юқори сифатли ремонт қилинишини таъминлаш, «Шимолий» иссиқлик марказида мазут хўжалиги комплекси бўлган 7-қозонхонани, Шота Руставели кўчасидаги умумкоммуникацион коллекторни, магистраль иссиқлик ва газ тармоқларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш лозим.

Тошкент ГРЭСини теплофикация режимига ўтказиш ишларини, «Янги Чилонзор» ва «Шимоли-ғарбий» янги иссиқлик марказлари қурилиши, эскирган кварталлараро иссиқлик тармоқларини қайта ётқизиш, уй-жойларни радиаторлар билан иситишга ўтказиш бўйича ишларни давом эттириш, зарур ёнилғи запасларини вужудга келтириш чораларини кўриш керак. Ҳар бир иш жойида ва рўзғорда ёнилғи, энергетика ресурсларининг рационал ва тежамли фойдаланилишига эришиш лозим.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ва маиший бинолар ремонт қилинган ва иситилган, технология ва энергетика ускуналари, вентиляция системалари ва инженерлик тармоқлари қиш шароитида ишлашга тайёр қилиб қўйилган, коллективнинг самарали меҳнат қилиши учун энг яхши шароитлар яратилган бўлиши керак.

Қурилиш ташкилотлари шаҳарни қишга тайёрлашга алоқадор объектларнинг қурилиш муддатини қисқартириш ва сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни кўришлари зарур.

Транспорт корхоналарининг ходимлари барча ҳаракатдаги составни сифатли тайёрлаб қўйишлари, қиш вақтида халқ хўжалиги юклари ва пассажирлар узлуксиз манзилига етказиб қўйилишини таъминлашлари лозим.

Шаҳар ва район хўжаликларининг хизматлари уй-жойларни, подъездларни, квартираларни, инженерлик таъминоти объектлари ва системаларини, қор курайдиган машина ва механизмлар паркини ремонт қилиш ва қишга тайёрлаш ишларини ташкил этишни сезиларли даражада яхшилашлари керак. Мактабларни, болалар ва медицина муассасаларини, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини қишга ўз вақтида тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Актив йиғилиши қатнашчилари саноат, транспорт, қурилиш ва шаҳар хўжалиги корхоналарининг барча ходимларини, пойтахтнинг барча аҳолисини 1985—1986 йилларнинг қиш мавсумига тайёргарлик ишларида фаол иштирок этишга даъват этадилар.

Шаҳарни яқинлашаётган куз-қиш даврига ҳар томонлама тайёрлаш, халқ хўжалиги барча тармоқларининг бир маромда ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, 1985 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик планлари ҳамда қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш меҳнат коллективлари фаолиятида муҳим ўрин эгаллаши лозим.

Актив йиғилиши партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари, Тошкент меҳнаткашлари шаҳар халқ хўжалигини бўлажак қиш даврида пухта ишлашга ўз вақтида тайёрлаш учун барча чораларни кўрадилар, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съездини янги меҳнат зафарлари билан кутиб оладилар, деб ишонч билдиради.

Мурожаат шу йил 15 июндаги актив йиғилишида қабул қилинган.

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИГА

Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, социалистик Ватаннинг оташин ватанпарвари, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи номи билан аталувчи Қизил Байроқ орденли чегарачилар отрядида 14 июнь куни Юрий Владимирович Андроповнинг бюсти очилди.

Ёдгорликнинг очилишига бағишланган митингда сўзга чиққан КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков, бошқа ўртоқлар таъкидлаганидек, Юрий Владимирович Андропов коммунистлар, барча совет кишилари хотирасида ҳамиша Маркс-Энгельс-Ленин таълимотига чексиз содиқ, принципиал коммунист, меҳнат кишиларига яқин турувчи, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига ҳамиша ҳушёр, ҳамма нарсани социалистик Ватан манфаатларига бўйсундира олувчи инсон сифатида қолади.

Ю. В. Андропов номидаги Қизил Байроқ орденли чегара отряди округдаги илғор отрядлардан бўлиб, хизматда юксак кўрсаткичларга эришган. Бу ерда ҳар уч жангчидан бири ҳарбий ва сиёсий тайёргарлик аълочисидир.

Чойшаб туширилади. Гранит постаментда Ю. В. Андроповнинг бронзадан ишланган бюсти. Ёдгорлик пойига гуллар қўйилади. Чегарачи жангчилар унинг ёнидан тантанали марш билан ўтишади. **(ТАСС).**

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Одамлар саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилаётган кишиларнинг меҳнати мамлакатимизда ҳамманинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлмоқда. Ўзбекистонда 300 мингдан кўпроқ врач, фельдшер ва медицина ҳамшираси халқ соғлиғини сақлаш иши билан шуғулланмоқда. 15 июнь куни Тошкентда медицина ходимлари кунига бағишланиб ўтказилган тантанали йиғилишда ана шу ҳақда гапирилди. Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри А. Худойбергенов доклад қилди.

Йиғилишда республика соғлиқни сақлаш катта моддий ва кадрлар потенциалига эга эканлиги айтиб ўтилди. Бироқ соғлиқни сақлаш соҳаси олдига тобора кенг кўламли ва масъулиятли вазифалар қўйилмоқда. Аҳоли соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашга оид кўп томонлама проблемаларни ҳал этиш бу соҳадаги ишларни интенсивлаш йўлига ўтказиш, даволаш-диагностика жараёни, касалликларнинг олдини олишга ёрдам берадиган ялпи диспансер назоратидан ўтказиш самарадорлигини ошириш масалаларини биринчи ўринга қўймоқда. Ўзбекистон шифокорлари КПСС XXVII съездига тайёргарлик давомида республикада соғлиқни сақлаш системасини такомиллаштириш ишида янги-янги ютуқларга эришадилар, деб ишонч изҳор қилинди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Ўзбекистон ССР Министрлар Советн Раисининг ўринбосари С. У. Султонова иштирок этдилар.

Тантанали йиғилиш ўтказилган Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида республикада медицинанинг ривожланиши ва бу борада қўлга киритилаётган ютуқлар тўғрисида ҳикоя қилувчи экспозиция очилди, байрам концерти қўйиб берилди. **(ЎзТАГ).**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИ, ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА (лойиҳа)

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қоидалари» лойиҳасини кўриб чиқди ва ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Унда шаҳарликлар муҳокамасига қўйилган лойиҳа маъқулланди. Манфаатдор ташкилотлар ва аҳоли «Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қоидалари» лойиҳаси юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини қуйидаги адресга йўллашлари мумкин: Тошкент, ГСП, Пролетар кўчаси, 6-уй.

I. ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДА

1. Ҳуқуқ-тартибот муҳофазаси органлари жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарлари билан биргаликда Тошкентда тартиб бузилиш ҳолларининг олдини олиш, уларнинг содир бўлишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаб бартараф қилиш, гражданларни юксак онглилик ва интизом, совет қонунларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари лозим.

2. Халқ депутатлари район Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари қонунларга риоя қилинишини, жамоат тартиби, гражданларнинг ҳуқуқлари муҳофазасини таъминлашлари, ўз территорияларидаги барча давлат ва жамоат органлари ишини тартиб бузилишларнинг олдини олиш бўйича уйғунлаштириб олиб боришлари, тартиб бузилишига қарши кураш олиб бориши керак бўлган ички ишлар органлари, маъмурий комиссиялар, балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссиялари, ўртоқлик судлари, кўнгилли халқ дружиналари фаолиятига раҳбарлик қилишлари керак.

3. Жамоат жойларида: кўчаларда, бульварларда, паркларда, хиёбонларда, стадионларда, кинотеатрларда, театрларда, бозорларда, шаҳар транспортида, вокзалларда, магазинларда, коммунал-маиший корхоналарда, ётоқхоналарда, ҳовлиларда, уйларнинг подъездларида, шунингдек, меҳнаткашлар коллективлари томонидан ишлаш, оммавий тадбирлар ўтказиш ва дам олиш учун фойдаланиладиган жойларда — гражданлар жамоат тартибини сақлашга мажбурлар.

4. Гражданларнинг маст ҳолда кўчаларда, театрларда, клубларда, боғларда, паркларда, стадионларда, шаҳар транспортида, чўмилиш жойларида ҳамда бошқа жамоат жойларида бўлишига йўл қўйилмайди.

5. Вино-арақ ичимликларини қуйиб сотиш ман этилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида, шунингдек бозорларда, ҳовлиларда, подъездларда, кўчаларда, паркларда, стадионларда ва бошқа жамоат жойларида ичишга рухсат берилмайди.

6. Пул тикиб ўйналадиган ҳар қандай қиморбозлик ўйинлари, ҳовлиларда, подъездларда, паркларда, боғларда, бозорларда ва бошқа жамоат жойларида фол очишлар ман этилади.

7. Тошкент шаҳрининг дарё ва сув ҳавзаларида чўмилиш фақат махсус ажратилган жойларда рухсат берилади.

8. Баланд овоз билан қўшиқ айтиш, музика асбобларини чалиш, радиоприёмниклар, проигривателлар, магнитофонлар ва бошқа шунга ўхшаш асбобларни соат 23.00 дан кейин эрталаб 7.00 гача — майдонларда, кўчаларда, хиёбонларда, ҳовлилар ва квартираларда овозини баланд қилиб қўйиш тақиқланади.

9. Клублар, театрлар, кинотеатрлар, стадионлар, парклар, магазинлар, ошхоналар, ресторанлар, ётоқхоналар маъмурияти, шунингдек, уй-жойлардан фойдаланиш идоралари ва бошқармаларининг ходимлари жамоат тартиби бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш чораларини кўришлари керак.

10. Гражданларнинг кўчалар, майдонлар, ҳовлилар ва бошқа жамоат жойларида савдо-сотиқ қилишлари тақиқланади, гул сотиш алоҳида ажратилган жойларда рухсат берилади.

11. Халқ депутатлари маҳаллий Совети ижроия комитети томонидан спиртли ичимликларни қуйиб сотишга рухсат берилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари, кўчалар, стадионлар, хиёбонлар, парклар, барча турдаги жамоат транспортида ва бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликларни ичган ёки жамоат жойларида инсон қадр-қимматини ва ижтимоий одоб-ахлоқни таҳқирловчи маст ҳолда пайдо бўлган шахслар огоҳлантириш ёки 20 сўмдан 30 сўмгача жарима тарзида маъмурий жазога тортилади.

Шундай ҳаракатлар маъмурий жазо тадбирлари қўлланилганидан кейин бир йил давомида яна такрорланса, 30 сўмдан 50 сўмгача жарима солиш тариқасидаги маъмурий жазога тортишга сабаб бўлади.

Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичганлик ёки маст ҳолда пайдо бўлганлик учун бир йил давомида икки марта маъмурий жазога тортилган шахс шундай ҳаракатлари учун 50 сўмдан 100 сўмгача маъмурий жазога тортилади ёки унга иш ҳақининг 20 процентини ушлаб қолинган ҳолда бир ойдан икки ойгача муддатга ахлоқ тузатиш иши тариқасида жазо берилади, алоҳида ҳолларда эса ишнинг ҳолатига қараб ва тартиббузарнинг шахсини назарда тутиб, ана шу чораларни қўллаш етарли эмас, деб топилган тақдирда, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазосига тортилади.

Огоҳлантириш ёки жарима тариқасидаги маъмурий жазолар халқ депутатлари район, шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бўлими (бошқармаси)нинг бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан қўлланади, ахлоқ тузатиш иши ёки маъмурий қамоққа олиш тариқасидаги маъмурий жазолар халқ судлари томонидан қўлланади.

12. Маъмурий комиссиялар ва ичкиликбозликка қарши кураш бўйича комиссиялар, милиция ходимлари, кўнгилли халқ дружиналари, жамоат тартибини муҳофаза қилиш таянч пунктлари жамоат тартибини бузувчилар ҳақида айбдорнинг иш ёки ўқиш жойига, ишламайдиганлар ҳақида эса уларнинг яшаш жойидаги уй-жойлардан фойдаланиш идораларига, маҳалла комитетлари ёки ўртоқлик судларига хабар қилишлари керак.

13. Ушбу бўлимда баён этилган талабларнинг бажарилишини назорат қилиб бориш Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ички ишлар бошқармасига, ички ишлар район бўлимларига ва район ижроия комитетлари қошидаги маъмурий комиссиялар зиммасига юкланади.

14. Спорт иншоотларининг маъмурияти объектлардаги барча инженерлик ахборот системалари нуқсонсиз ишлашини, бинолар ва иншоотлар конструкцияси мустаҳкамлигини, трибуналар, томошабинлар ва мусобақа қатнашчиларини эвакуация қилиш йўллари тахтлигини таъминлаши шарт.

15. Томошабинлар, айниқса ёшлар ва ўсмирлар билан тарбиявий ва тушунтириш ишлари олиб борилиши, кўргазмали агитация, радио тармоғи воситасида қатнашчилар ва томошабинларга тартибни сақлаш қоидалари тарғиб қилиниши керак.

16. Спорт иншоотларида (кўзга кўринарли жойларда) хавфсизлик белгилари, кўрсаткичлар, томошабинлар тартиб-интизоми қоидалари, уларни эвакуация қилиш планлари жойлаштирилиши, шунингдек тадбирлар рекламаси, спорт иншоотидан эвакуация қилиш тартиб-қоидалари, ёнғиндан сақлаш тадбирлари ҳақида томошабинлар ва қатнашчиларга маълумот бериш таъминланмоғи лозим.

17. Кучини йўқотган билетлар ва жойи, секторлар трибунаси кўрсатилмаган пропускларни бериш, шунингдек, белгиланган нормалар бўйича жойлардан ортиқ миқдорда уларни тарқатиш тақиқланади.

18. Объектлардаги барча инженерлик системалари ва ахборот воситалари бенуқсон ишлаши, конструкциялар мустаҳкамлиги, трибуналар, томошабинлар ва қатнашчиларни эвакуация қилиш йўллари тахтлиги таъминланиши лозим.

19. Конструкциялар пухта ишлаши ва созлигини, эвакуация йўллари нормативга мувофиқлигини, ёнғин муҳофазаси чораларини аниқлаш мақсадида инженерлик хизматлари, лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари иштирокида ҳар йили спорт иншоотларини техника кўригидан ўтказиш, кўрик натижалари асосида акт тузиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш тадбирлари кўрилиши лозим.

20. Ички ишлар органлари бажариши шарт: оммавий спорт тадбирларини ўтказиш пайтида жамоат тартиби ва хавфсизлиги таъминланиши учун етарли миқдорда имконият ва техник воситаларни жалб этиш; томошабинларнинг кутилаётган сони ҳақидаги ахборот ва спорт тадбирлари ўтказилаётган кундаги конкрет шароитдан келиб чиқиб, хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши даркор.

21. Тадбирни ўтказиш ташкилотчилари ва спорт иншооти маъмурияти билан биргаликда белгиланган тартибга мувофиқ томошабинлар ва қатнашчилар тадбир ўтказиладиган жойларга, трибуналарга ўтиши хавфсизлиги таъминланиши лозим.

22. Спорт иншоотининг тегишли хизматлари билан биргаликда томошабинларни трибуналар ва унинг атрофидаги территориядан эвакуация қилиш, шунингдек томошабинларни жамоат транспортига ўтказиш жараёни бошқарилиши таъминланмоғи керак.

23. Эвакуация йўллари ва ёнғин муҳофазасининг аҳволини назорат этиш таъминланиши керак.

24. Спорт иншоотларида жамоат тартиби ва ахлоқ қоидаларини бузувчи шахслар жавобгарликка тортилади.

II. УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ САҚЛАШ ВА ЯРОҚЛИ ҲОЛДА ТУТИШ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДА

1. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари, министрликлар, идоралар ва уй-жой қурилиш кооперативларига қарашли уйлардаги турар жой хоналари гражданларга қонунда белгиланган тартибда муддатсиз бериб қўйилади.

2. Истиқомат қилувчилар «Турар жойдан фойдаланиш, уй ва уй атрофини сақлаш қоидалари»га, турар жойни ижарага олиш шартномаси шартларига қатъий амал қилишлари шарт. Улар ўзларининг айби билан турар жой ва ёрдамчи хоналар, уйларнинг жиҳозларига, подъездларга, зинапояларга, лифтларга, балконларга, ложаларга, ҳовлидаги дов-дарахтлар, болалар ва спорт майдончаларининг жиҳозларига шикаст етказганликлари учун тўла моддий жавобгар ҳисобланадилар.

3. Квартирадаги ҳамма хоналар, бевосита истиқомат хоналари ҳам, умумфойдаланишдаги жойлар ҳам ҳамиша тоза ва саранжом сақланиши ҳамда қатъиян мақсадга мувофиқ фойдаланилиши керак.

4. Турар жойни ижарага олувчиларга қатъиян тақиқланади:

а/истиқомат хоналари ва умумфойдаланишидаги жойларни ўзбошимчалик билан қайта жиҳозлаш ва планировкасини ўзгартириш (тўсиқлар ўрнатиш, жойидан қўзғатиш, олиб ташлаш, эшик ўрнини ўзгартириш, эшик ва дераза ўрнини қайта қуриш, иситиш ускуналари жойини ўзгартириш, марказий иситиш тармоғи радиатори секцияларини ўзгартириш, санитария-техника жиҳозлари, газ ва электр плиталар, счётчиклар ўрнини алмаштириш, ложа ва балконларга дераза ўрнатиш кабилар);

б/ҳовлилар ва ертўлаларда сарой ва омборхоналар, турар жойдан фойдаланиш участкаси территориясида гаражлар ва бошқа иншоотларни ўзбошимчалик билан қуриш, коллектив фойдаланишидаги антенналар бўлган ҳолда уй томига хусусий антенналар ўрнатиш;

5. Ушбу Қоидаларнинг 4-бандида айтиб ўтилган ишлар фақат халқ депутатлари район Совети ижроия комитетлари қошидаги идоралараро комиссия рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

6. Кундузи балконларда ювилган кийим-кечакни қуритиш тақиқланади.

7. Истиқомат хоналари ва умум фойдаланишидаги жойларни ўзбошимчалик билан қайта жиҳозлаш ва планировкасини ўзгартиришга, иситиш ва санитария-техника ускуналари жойини алмаштиришга йўл қўйган турар жойни ижарага олувчилар ўз ҳисобларидан хоналарни аввалги ҳолатига келтириб қўйишга мажбурлар, акс ҳолда нотариал иш юритиш органларининг ижро варақаси асосида ўн сўмгача бўлган иш қиймати белгиланган тартибда ундирилади. Бу харажатлар қиймати ўн сўмдан ошган тақдирда айбдорлардан ундириб олиш суд органлари орқали умумий даъво талаблари тартибида кўриб чиқилади.

8. Турар жой хоналарига шикаст етказишда айбдор ижарага олувчиларга ва улар билан биргаликда яшовчи шахсларга жамоатчилик таъсири кўрсатилади ёки уй-жойлардан фойдаланиш ташкилоти маъмуриятининг жамоатчилик иштирокида тузилган акти асосида халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари қошидаги маъмурий комиссиялар томонидан ўн сўмгача жарима солинади.

9. Ижарага олувчилар, уларнинг оила аъзолари ёки бошқа улар билан бирга яшовчилар турар жой хоналарини қайта-қайта бузиб, шикаст етказсалар ёки мақсадга номувофиқ фойдалансалар ёхуд социалистик турмуш қоидаларини мунтазам бузиб ўзи билан бир квартирада ёки бир уйда бошқаларга яшаш имкониятини бермасалар, огоҳлантириш ва жамоат таъсири кор қилмаса, айбдорларни кўчириб юбориш, ижарага берувчи ёки бошқа манфаатдор шахслар томонидан бошқа турар жой хонаси берилмасдан амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлар ҳам, агар уларнинг болалари билан бирга яшаши ножоиз деб тан олинган бўлса, бошқа турар жой берилмай кўчириб юборилишлари мумкин.

10. Уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотининг раҳбарлари турар жой фондининг ҳолати соз бўлишини, уйларнинг инженерлик жиҳозлари ва ускуналари тўхтовсиз ишлашини, санитария-техника ва ёнғинга қарши қоидаларга риоя этилишини, болалар ва спорт майдончалари, уларнинг жиҳозлари ва ҳовлилардаги кичик архитектура формалари яхши сақланишини, шунингдек, уй хўжалиги территорияси, подъездлар, зинапоялар ва бошқа умумий фойдаланишдаги жойлар мунтазам кузатиб борилишини, турар жой хоналари ва қўшимча хоналарни ҳамда уларнинг техник жиҳозларини квартираларни айланиб кузатиб борилишини таъминлашлари керак.

11. Уй-жой фонди ремонтининг кечикиши ва қониқарсиз бажарилишида, турар жой бинолари ва ҳовли территорияларидан фойдаланиш ва сақлаш қоидалари бузилишида айбдор бўлган, шунингдек уй-жой фонди ва унинг жиҳозларига шикаст етказишда айбдор шахсларга нисбатан зарур талабчанлик кўрсатмаган уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотларининг мансабдор ходимлари қонунда кўзда тутилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

12. Район Советлари ижроия комитетлари ва турар жой органларининг вазифалари;

— уй-жой фонди сақланишини таъминлаш ва уни янада ободонлаштириш ишида уй-жойлардан фойдаланиш ходимларига талабчанликни ошириш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш;

— уй-жой хўжалиги ташкилотлари томонидан (қайси идорага қарашидан қатъий назар) уйлардан техникавий жиҳатдан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига жиддий амал қилинишини назорат этиш, бу ишнинг аҳволини ўз мажлисларида мунтазам кўриб бориш, аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар белгилаш;

— аҳолининг хоналарни ремонт қилиш, ҳовлиларни ободонлаштириш, шунингдек жамоат тартибини сақлаш ишида фаол қатнашувини қўллаб-қувватлаш;

— СССР Министрлар Советининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш, самогон қилишни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан бўш вақтдан фойдаланиш ва спорт билан шуғулланиш учун зарур шароит яратиш;

— турар жойларда, айниқса, болалар ва ўсмирлар ўртасида маданий-оқартув ҳамда оммавий спорт ишларини ташкил қилиш;

— турар жой хўжалигида, аҳоли ўртасида уй-жой фондини намунали сақлаш ва юксак турмуш маданияти учун социалистик мусобақани авж олдириш;

— уй, маҳалла, турар жой комитетлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг конкурсларини ўтказиш, турар жойни ижарага олиш шартномалари ва социалистик турмуш қоидаларини бузувчиларга, давлат уй-жой фондига, унинг жиҳозлари ва ободонлаштириш объектларига шикаст етказган шахсларга нисбатан таъсир чораларини кўриш.

13. Якка тартибдаги уй эгалари уйларининг ташқи кўринишини архитектура талабларига мувофиқ сақлашлари, зарур ремонт ишларини ўз вақтида бажаришлари лозим.

III. ШАҲАР ПАССАЖИР ТРАНСПОРТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Автобуслар, маршрутли таксилар, трамвайлар, троллейбусларнинг ҳайдовчилари қуйидагиларга риоя қилишлари шарт:

а/транспортни ораста кийимда бошқариш, салоннинг тоза бўлишини кузатиш;

б/ машина ва вагонларни пассажирлар чиқиб бўлганларидан сўнг, фақат эшик ёпилгач ҳаракатга келтириш;

в/ ҳар бир бекат номини, кира ҳақи ва бошқа маълумотларни эълон қилиб бориш;

г/ ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ҳамда жамоат транспортидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини кузатиб бориш;

д/ кондуктор ва ҳайдовчининг номлари доимо махсус тахтачаларда ёзиб қўйилган бўлиши, йўловчи талаб қилса ўз фамилиясини айтиши;

е) пассажирларга ширинсухан ва эътиборли бўлиш ҳамда уларга хизмат кўрсатишни мунтазам яхшилаш чорасини кўриш.

2. Автобус, трамвай ва троллейбусларга навбат билан транспортнинг орқа эшигидан кириш, олд томондаги эшикдан тушиш, эшиги учта бўлган автобус, трамвай ва троллейбусларга пассажирларнинг орқа ва ўрта эшикдан кириб, ўрта ва олдинги эшикдан тушишига рухсат берилади.

3. Қуйидаги кишилар транспортнинг олдинги эшигидан кириш ҳуқуқига эгалар:

а/ катта ёшдагилар ҳамроҳлигида бўлган мактабгача ёшдаги болалар, ўн ёшгача бўлган болалар, ўта қариялар;

б/ ҳомиладор аёллар;

в/ инвалидлар, шахсий пенсионерлар, кўзи ожизлар ва уларнинг ҳамроҳлари;

г/ «Главташпассавтотранс», трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси ҳамда шаҳардаги барча турдаги пассажир транспорти ишини координация қилиш ва ривожлантириш бошқармасининг хизмат бурчини бажараётган контрол-йўл хизмати ходимлари.

4. Пассажирлар қуйидагиларга риоя қилишлари шарт:

а/ жамоат транспортига киришлари биланоқ ўзлари ва ўзлари билан олиб кетаётган ҳажми 60Х40Х20 сантиметрдан ва узунлиги 150 сантиметрдан ортиқ юклари учун белгиланган таърифга мувофиқ ҳақ тўлашлари, олдиндан сотиб олган абонементларини компостер қилишлари керак. Чанғи, болалар велосипедлари, чаналари, аравачалари ва майда боғбончилик қуроллари учун ҳақ тўланмайди; юк ҳақи —10 тийин;

б/ олинган билетни ёки компостер қилинган талонни ўз манзилига қадар сақлаш ва уни контролёр ёки кондукторнинг биринчи талаби билан кўрсатиши;

в/ транспортда юриш карточкалари ёки бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалари бўлган кишилар салонга киришлари билан кондукторга, пассажирларга, шунингдек тушаётганларида контролёрлар, кондукторларнинг талаби билан очилган ҳолда кўрсатишлари;

г/ транспортда жамоат тартибига риоя қилиш.

5. Шаҳар пассажир транспорти (таксидан ташқари) ва метрополитенда қуйидагилар бепул ва имтиёзли қатнашга ҳақлидирлар:

— Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ва уч даражали Шуҳрат ва Меҳнат Шуҳрати ордени кавалерлари — гувоҳномалари билан;

— СССР, Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР Олий Советлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва район Советларининг депутатлари — депутатлик гувоҳномалари билан;

— иттифоқ, республика ва маҳаллий аҳамиятдаги шахсий пенсионерлар — Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг гувоҳномаси бўйича,

— Улуғ Ватан урушининг инвалидлари — социал таъминот органлари ёки ҳарбий комиссариатлар берган гувоҳномалари билан;

— инвалидлар — кўзи ожизлар — аъзолик билетини кўрсатиш билан;

— прокуратура органларининг терговчилари хизмат бурчларини бажараётганларида — хизмат гувоҳномалари билан;

— милициянинг оддий ва раҳбар ходимлари — хизмат гувоҳномалари билан;

— муддатли ҳарбий хизматчилар;

— ҳайдовчи ва кондукторлар — хизмат гувоҳномалари билан;

— Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг пассажирлар ташиш бошқармаси, контрол-норматив бошқармаси ва ревизорлик хизмати ходимлари — Автомобиль транспорти министрлиги гувоҳномаси билан;

— икки оёқсиз, икки оёғи фалаж инвалидлар, шунингдек қўлсиз, оёқсиз инвалидлар;

— хизмат бурчини бажараётган почтальонлар.

6. Шаҳар транспортида қуйидагилар ман этилади:

а/ маст ҳолда юриш;

б/ салонга ифлос кийимда ҳамда ифлос қилиши мумкин бўлган нарсалар кўтариб кириш;

в/ транспорт салонини ифлос қилиш;

г/ ёнғин хавфи туғдирадиган ва портловчи моддалар, бензин, керосин, киноленталар ва шу кабиларни ташиш;

д/ чекиш, гугурт ёқиш;

е/ қурол-яроғлар, санчилувчи ҳамда кесувчи асбобларни ғилофсиз олиб юриш;

ж/ ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаган ҳолда транспортга ўрнатилган қўнғироқ, мослама ва бошқа жиҳозларни ўзбошимчалик билан ҳаракатга келтириш;

з/ ўриндиқларга юк қўйиш;

и/белгиланмаган жойда йўловчилар олиш ёки тушириш;

к/ бекатларда эшикларни ёпиш-очишни кечиктириш ёки ҳаракат пайтида эшикларни очиш.

7. Линия контролёрлари линиядаги иш пайтида шахсий номерлари бўлган контролёр нишонига эга бўлишлари керак.

8. Билетсиз бўлган ёки олиб чиққан юки учун ҳақ тўланмаган йўловчига ўзи ва ҳар бир юк жойи учун 3 сўмдан жарима солинади ва белгиланган нусхадаги квитанция берилади. Жарима линия контролёрлари ёки милиция ходимлари томонидан солинади. Ўзи учун ёки юки учун ҳақ тўламаганлиги сабабли ундириладиган жарима пассажирларни ўзи ёки юки учун йўл ҳақи тўлашдан озод қилмайди.

МЕТРОПОЛИТЕНДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Пассажирлар жамоат тартибига ва метрополитендан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишлари керак.

2. Пассажирлар ва метрополитен ходимлари ўзаро хушмуомала бўлишлари ва метрополитен иншоотлари ҳамда қурилмаларини асрашлари шарт.

3. Поездларда станцияларнинг номлари эълон қилиниши, шунингдек, бошқа керакли маълумотлар бериб турилиши керак.

4. Йўловчилар ўзлари учун, олиб кетаётган ҳажми 60Х40Х20 сантиметрдан ва узунлиги 150 сантиметрдан ортиқ юклари учун ҳақ тўлашлари керак. Чанғи, болалар велосипедлари, чаналари, аравачалари, балиқ овлаш қармоқлари, музика асбоблари ва кичик ҳажмдаги боғ анжомлари учун ҳақ олинмайди. Йўловчи ўзи билан етти ёшгача бўлган бир болани бепул олиб юриши мумкин.

5. Метрополитенда юриш ҳужжати ва билети бўлган пассажирлар текшириш пунктида уларни очиқ ҳолда кўрсатадилар.

6. Эскалатордан фойдаланганда ўнг тарафда, ҳаракат йўналиши томон қараб ва тутқични ушлаб туриш, чап томондан ўтиш ва эскалатордан тушаётганда тўхтамаслик керак.

7. Кичик ёшдаги болаларни қўлидан ушлаб олиш ёки кўтариб олиш, эскалаторнинг ҳаракатсиз қисмларига суянишларига йўл қўймаслик лозим.

8. Платформада, поездни кутиш пайтида пассажирлар поезднинг узунаси бўйлаб бир меъёрда тарқалиб туришлари керак. Платформанинг четидаги чекловчи чизиқдан ўтиш ва поезд батамом тўхтамагунча вагонга яқинлашиш мумкин эмас.

Изга бирор буюмни тушириб юборган пассажир бу ҳақда станция навбатчисига хабар қилиши керак.

9. Ҳар бир вагонда болали йўловчилар ва инвалидлар учун жой ажратилади.

10. Тутун чиқиши ёки ёнғин, шунингдек пассажирлар ташиш, ёҳуд поезд ҳаракати хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи вазиятлар рўй берган тақдирда пассажирлар «пассажир — машинист» шошилинч алоқаси орқали ёки ёнғин сигнализацияси тугмачасини босиб поезд машинистини зудлик билан хабардор қилмоқлари лозим.

11. Метрополитенда қуйидагилар ман этилади:

а/ гражданларнинг маст ҳолда станцияга кириши ва поездларда юриши;

б/ эскалаторнинг зиналарига ўтириш, тутқичларга суяниш ва юк қўйиш, эскалатор ва платформалар бўйлаб югуриш;

в/ станцияга музқаймоқ ва пассажирларга доғ юқтириши мумкин бўлган буюмлар билан кириш, станцияларнинг вестибюли, ўтиш жойлари ва платформаларини ифлос қилиш;

г/ темир йўл изларига поездлар ҳаракати бузилишига сабаб бўлувчи буюмларни қўйиш;

д/ ўт чиқариш хавфи бўлган, тез ўт оладиган портловчи, заҳарловчи моддалар ва буюмларни, рўзғор газ баллонларини олиб юриш;

е/ зарур бўлмаган ҳолда «пассажир-машинист» шошилинч алоқаси ёки ёнғин сигнализацияси тугмачасидан фойдаланиш;

ж/ отиладиган қурол, найзали, ўткир ва тез синадиган нарсаларни, чанғи ва конькиларни ғилофсиз, шунингдек ҳайвонларни олиб юриш;

з/ темир йўл изига тушиш ва унинг устида юриш;

и/ ҳажми 100Х60Х40 сантиметрдан яъни, узунлиги, кенглиги ва баландлиги йиғиндиси 200 сантиметрдан ортиқ, катта, қўпол ва 220 сантиметрдан узун предметларни олиб юриш;

к/ метрополитен станциялари ва вагонларида чекиш;

л/ вагонлардаги ўриндиқларга болаларни тик қўйиш ва юк қўйиш;

м/ ҳаракат пайтида вагон эшикларини очиш, бекатларда эшиклар ёпилиши ва очилишига тўсқинлик қилиш.

12. Ушбу бўлимнинг «г», «д» бандларини бузганларга 10 сўмгача миқдорида жарима солинади, «з» бандини бузганларга 2 сўм миқдорида жарима солинади.

13. Жамоат тартибини бузганлиги ва вагон жиҳозларини шикастлаганлиги учун айбдорлар амалдаги қонунларга биноан жавобгарликка тортиладилар.

14. Жарималар белгиланган тартибга кўра, зиммасига қоидаларга риоя қилинишини кузатиш топширилган хизмат бурчини бажараётган темир йўл транспортининг мансабдор шахслари ва милиция ходимлари томонидан солинади.

Темир йўл транспортининг мансабдор ходимлари ва милиция ходимлари қоидаларни бузган кишилардан жарима олиш ўрнига уларни огоҳлантиришга ёки тегишли материалларни кўриб чиқиш учун уларнинг иш, ўқиш, турар жойларидаги маъмурият, жамоат ташкилотлари ёки ўртоқлик судларига юборишга ҳақлидирлар.

ЕНГИЛ ТАКСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Енгил таксиларда қуйидагилар бўлиши шарт:

а) кузовнинг ён қисмларида, юкхона қопқоғида ва капотнинг олд қисмида шахматсимон белгилар, шунингдек автомобиль хўжалиги номери қўйилиши;

б) таксометр ва яшил контрол чироқ;

в) иш вақтининг тамом бўлишини кўрсатувчи олдинги ойна тепасига ўрнатилган табличка, шунингдек ҳайдовчининг фамилияси, таксининг давлат номери, таксомотор паркининг адреси ва телефони кўрсатилган табличка.

2. Таксини фақат алоҳида жиҳозланган бекатларда, тўхташ жойларида, шунингдек йўл ҳаракати қоидаларига биноан рухсат этилган жойларда ёллаш мумкин. Бўш такси яшил контрол чироғи орқали аниқланади. Таксини ёллаш навбатига риоя этиш пассажирларнинг ўзларига юклатилади. Йўл-йўлакай пассажирларни фақат бир марта биринчи ўтирган пассажирнинг ижозати билан олишга рухсат берилади.

3. Қуйидагиларга таксини навбатсиз ёллаш ҳуқуқи берилади:

а) Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари;

б) СССР, иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг депутатлари;

в) Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчилари (гувоҳномалари билан);

г) бахтсиз ҳодисага дуч келган кишилар;

д) ҳомиладор аёллар;

е) мактабгача ёшгача болалари бўлганлар;

ж) уч даражали Шуҳрат ва Меҳнат Шуҳрати орденлари билан тақдирланганлар;

з) инвалидлиги яққол кўриниб турган шахслар.

4. Енгил таксиларга олдиндан ва шошилинч буюртма такси марказий диспетчерлик станциясининг «062» телефони орқали, шунингдек такси бекатларида диспетчерлик раҳбарлиги орқали қабул қилинади. Шаҳар ташқарисидаги қуйидаги аҳоли пунктларигача боришга рухсат берилади: Куйбишев шоссеси бўйлаб — Наримонов шаҳригача, Янгийўл шоссеси бўйлаб — Жун каналигача, Чимкент шоссеси бўйлаб — Шредер институтигача, Луначарское шоссеси бўйлаб — Қибрай посёлкасигача, Улуғбек посёлкасигача, Тузел посёлкасигача, ТашГРЭС ва республика болалар сил касалликлар шифохонасигача, ҳалқа йўл бўйлаб — Ильич колхози, Олмалиққа олиб борадиган йўл бўйлаб — Водник посёлкасигача, Катта Ўзбек тракти бўйлаб — ГАИ постигача, Уйғур кўчаси бўйлаб — Назарбек посёлкасигача, Калинин район маркази томон борувчи йўл бўйлаб — район касалхонасигача.

5. Енгил таксидан фойдаланиш ҳақи машинада қанча пассажир ёки юк бўлишидан қатъий назар тарифга кўра қуйидаги миқдорда олинади:

— бир километр масофа учун —20 тийин;

— мижоз машинани бир соат ушлаб тургани учун — 2 сўм;

— таксига чиқиб таксометр ишга туширилганида — банд қилиш ҳақи — 20 тийин.

6. Таксида юрганлик, уни тўхтатиб турганлик, банд этганлик ҳақи таксометрда акс этган умумий суммага киради. Енгил таксидан фойдаланганлиги учун манзил охирида ҳайдовчи билан таксометр кўрсатган миқдорда ҳисоб-китоб қилинади. Коллектив бўлиб таксини ёллаганда ҳар бир пассажирдан йўл ҳақи у борган масофага пропорционал равишда олинади.

7. Қуйидагилар ман этилади:

— шикастланган таксометр (счётчик) ва контрол яшил чироқ носоз бўлганда, пломбасиз ёки у шикастланганда юриш;

8. Енгил такси йўловчиларни (уларнинг талаби билан) ҳаммаси бўлиб бир соатгача кутишига рухсат берилади. Агар йўловчининг талабига мувофиқ кутиш лозим бўлса ҳайдовчи босиб ўтилган йўл ҳақини (таксометр бўйича) тўла олади ва яна маълум миқдорда аванс олиб, таксометрни ишлатиб қўяди ҳамда келишилган мухлат тугаши биланоқ таксини бўш саналажаги ҳақида пассажирни огоҳлантириб қўяди.

9. Йўловчини келишилган жойга ҳайдовчига боғлиқ бўлмаган сабаблар (йўлнинг йўқлиги, автомобилнинг носозлиги) туфайли олиб бориб қўйишнинг имкони бўлмаса йўловчи таксометр кўрсатишига қараб, ҳақиқий босиб ўтилган масофа учун ҳақ тўлайди.

10. Такси диспетчерлик орқали чақирилганда ҳайдовчи таксометрни диспетчердан топшириқ олган пайтда ишга туширади. Бунда таксометр счётчиги буюртмачи ҳузурига келгунга қадар 1 сўмдан ва тунда 2 сўмдан ортиқ кўрсатмаслиги лозим. Таксига шошилинч берилган буюртма олингач кундузи 1 соат, тунда 2 соатдан ортиқ бўлмаган вақт мобайнида бажо келтирилиши лозим.

11. Такси ҳайдовчиси қуйидагиларга риоя қилиши шарт:

а) йўловчи айтган манзилга энг қисқа йўл билан олиб бориш;

б) ораста кийиниш ва йўловчиларга хушмуомалада бўлиш;

в) манзилга етгач, йўл ҳақи миқдорини йўловчига айтиш, йўловчи билан счётчик кўрсатиши бўйича аниқ ҳисоб-китоб қилиш ва кузовнинг салони ҳамда юкхонани у билан синчиклаб текшириб чиқиш.

12. Такси ҳайдовчисига қуйидагилар ман этилади:

а) маст ҳолда бўлган йўловчиларни ташиш;

б) бекатда турган вақтда такси талаб қилган йўловчиларга рад жавобини бериш (ушбу пунктнинг «а» бандидаги шарт бундан мустасно);

в) қатнов вақтида йўловчилар ҳузурида чекиш ва овқатланиш;

г) таксини қаровсиз қолдириш;

д) қатнов йўлида турган йўловчиларни таксига ўтқазиш;

е) такси бекатига 500 метрдан кам масофа қолганда йўловчиларни олиш.

13. Қуйидагиларни олиб юришга рухсат берилмайди:

а) тез алангаланувчи, портловчи, заҳарловчи, бадбўй моддалар ва материаллар;

б) машинага зиён етказувчи ва ифлос қилувчи юклар;

в) юқумли касалликка чалинган беморлар.

14. Енгил таксилар хизматидаги нуқсонлар тўғрисидаги мулоҳазаларни йўловчилар автомобиль салонидаги табличкада акс этган адрес ва телефон орқали таксомотор автокорхонасига ёки «Главташпассавтотранс»нинг таксомотор хизматини ташкил этиш бўлимига маълум қилишлари мумкин.

IV. ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ТАРМОҒИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. СССР алоқа Уставининг 10-моддасига биноан янги бинолар қурилаётган вақтда, қурувчилар маҳаллий алоқа органлари билан келишилган ҳолда лойиҳа ва смета ҳужжатларида бинони телефонлаштиришни назарда тутишлари ҳамда ушбу ишларни электромонтаж ва санитария-техника ишлари билан бир вақтда бажаришлари лозим.

2. Телефон ўрнатиш ва қайта ўрнатиш, қўшимча приборлар қўйиш ва бошқа ёрдамчи ишлар Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси раҳбарлигининг кўрсатмасига мувофиқ, мавжуд тариф бўйича бажарилган иш учун ҳақ тўланадиган махсус белгиланган наряд асосида бажарилади.

3. Телефон носозлиги тўғрисида абонентлар томонидан берилган буюртмалар шаҳардаги барча телефон станциялари ремонт бюроси ходимлари томонидан иш кунлари—соат 8.00 дан 20.00 гача, шанба кунлари соат 8.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва рўйхатга олинади.

4. Алоқа органлари зарурат бўлган тақдирда асосий абонент рухсатини кутиб ўтирмай, техникавий нормаларга риоя қилинган ҳолда блокиратор орқали квартираларга параллел телефон ўрнатиш ҳуқуқига эга.

5. Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси раҳбарлигининг кўрсатмасига биноан ишлаб турган телефонларни қуйидаги ҳолларда вақтинча узиб қўйиш мумкин:

а) махсус оммавий тадбирларни алоқа билан таъминлаш зарурати туғилганда икки ойдан кўп бўлмаган муддатга;

б) авария билан боғлиқ бўлган ишлар бажарилаётган тақдирда;

Телефонлари узиб қўйиладиган абонентлар Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси томонидан узишдан уч кун олдин ёзма равишда хабардор қилиб қўйилишлари, қайта улаш мухлати ана шу ҳатда маълум қилиниши, авария ҳодисалари рўй берган тақдирда эса телефон орқали хабардор қилинишлари керак. Телефон ишламай турган вақт учун абонентдан ҳақ олинмайди.

6. Абонентлар қуйидагиларга риоя қилишлари керак:

а) шаҳар телефон станциясига тегишли бўлган ва абонент фойдаланаётган телефон аппарати, хонадаги телефон симлари ҳамда бошқа ашёларни бутун ва бенуқсон сақлаш;

(Давоми 3-бетда).

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИ, ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 2-бетда).

б) телефон орқали кўрсатиладиган хизматлар учун абонент ҳақини (шаҳарлараро сўзлашув, уй телефони орқали телеграммалар йўллаш) огоҳлантиришни кутиб ўтирмасдан ўз вақтида тўлаш;
в) ёнғин чиққанда, тез медицина ёрдами чақириш, милиция ва авария хизматига хабар қилиш лозим бўлганда, шунингдек бошқа шошилинч зарурат бўлган ҳолларда, бошқаларнинг телефондан фойдаланишига тўсқинлик қилмаслик;
г) телефондан фойдаланиш бўйича ўзгаришлар бўлганда шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасига ўз вақтида хабар бериш;
д) телефон аппаратларини кўриш ва тузатиш, шунингдек уларни узиш ва ажратиш мақсадида келган шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасининг техник ходимлари ўз фотосуратлари ва муҳр билан тасдиқланган шахсий гувоҳномаларини кўрсатган тақдирдагина бу ишга рухсат бериш.

Телефон аппаратини узиш ва алмаштириш лозим бўлганда ушбу ишни бажариш учун келган ходимлардан гувоҳномадан ташқари шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасидан бу иш учун берилган нарядни талаб қилиш керак. Ушбу ҳужжатларни кўрсатмаган шахслар телефон аппаратини текширишига ҳамда тузатишига йўл қўйилмайди.

7. Корхоналар, ташкилотлар, уй хўжалиги органлари қурилиш, ремонт ва шу каби ишларни телефон тармоқлари иншоотлари яқинида олиб бораётган пайтларида телефон алоқаси нормал ишлашини таъминлаш ҳамда телефон қурилмаларига зиён етказмаслик чораларини кўришлари керак. Зарур бўлиб қолган тақдирда олиб борилаётган ишларни назорат қилиш учун шаҳар телефон тармоғи вакилини таклиф этишлари керак.

8. Қуйидагилар ман этилади:
а) шаҳар телефон тармоғи линияларига ўзбошимчалик билан сим улаш;
б) телефон симлари тортилган симёғочлар ва линиялар устидан юқори вольтли ёритиш приборлари, антенналар ва симлар ўтказиш;
в) телефонни ҳақ эвазига бошқа бировга бериб қўйиш;
г) зарурат бўлмаган тақдирда микротелефон трубкани олиб қўйиш.

9. Шаҳарда қурилишлар ва реконструкция ишлари олиб борилаётганлиги натижасида мавжуд алоқа иншоотини қайта қуриш ва жойини алмаштириш билан боғлиқ ишлар лойиҳага биноан асосий қурилишни амалга ошираётган ташкилот ҳисобига бажарилади.

10. Шаҳар телефон алоқаси ишидаги барча нуқсонлар тўғрисида гражданлар ўзларига хизмат қилаётган телефон алоқаси узелини шикоятлар бюросига ёки шаҳар телефон тармоғи шикоятлар группасига маълум қилишлари мумкин.

11. Телефон алоқаси бенуқсон ишлашига халал етказган, телефон тармоқларининг жиҳозлари, иншоотлари ва линиялари шикастланишида айбдор бўлганларга — мансабдор шахсларга эллик сўмгача, гражданларга — ўн сўмгача жарима солинади (жарима ГТС ходимлари томонидан солинади).

12. Телефон автоматлар, кабиналар, почта автоматларини шикастлаш тақиқланади. Телефон автоматлар, кабиналар, почта автоматларини бузишда айбдор шахсларга ўттиз сўмгача, телефон автоматларининг кабиналарини ифлос қилганларга ўн сўмгача миқдорда жарима солинади (жарима ГТС ходимлари томонидан солинади).

13. СССР алоқа Уставининг 13-моддасига биноан янги бинолар ва уй-жойлар қурилаётган пайтда қурувчилар Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг шаҳар радиоэшиттириш узели билан келишилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатларида овоз трансформатор подстанциялари ўрнатиш, уларни умумшаҳар линиясига улаш зарурлигини инобатга олишлари ҳамда бу ишларни электромонтаж ва санитария-техника ишлари билан бир вақтда бажаришлари лозим.

14. Радиоточкаларни ва радиолаштириш линияси арматураларини ўрнатиш ёки қайта ўрнатиш фақат шаҳар радиоэшиттириш узели кўрсатмаси ва наряди билан, бажарилган иш учун мавжуд тарифга асосан ҳақ тўланганда амалга оширилиши мумкин.

15. Радиоточка носозлиги ҳақидаги буюртмалар абонентлардан ремонт бюроси ходимлари томонидан кечасию кундузи, ҳордиқ кунларини қўшган ҳолда «33-17-10» телефони орқали қабул қилинади.

16. Шаҳар радиоэшиттириш узели раҳбарларининг кўрсатмасига биноан ишлаб турган радиоточкаларни қуйидаги ҳолларда вақтинча узиб қўйиш мумкин:
а) радиоэшиттириш линиялари капитал ремонт қилинаётганда;
б) янги бинолар, иншоотларни қуриш муносабати билан линиялар бошқа жойга ўтказилаётганда. Дам олиш ва байрам кунлари радиоэшиттириш линияси узиб қўйилмайди.

17. Абонентлар қуйидагиларга риоя қилишлари керак:
а) хонадаги радио симлари ҳамда бошқа ашёларни бутун ва бенуқсон сақлаш;
б) радиодан фойдаланганлик учун абонент ҳақини ўз вақтида огоҳлантиришсиз тўлаш;
в) радиоточка абонент қурилмаларини кўрикдан ўтказиш ва тузатиш учун келган шаҳар радиоэшиттириш узелининг техник ходимлари ўз фотосуратлари ёпиштирилган ва муҳр босилган шахсий гувоҳномани кўрсатгач қўйилади. Бу ҳолда абонент шахсий гувоҳномадан ташқари шаҳар радиоэшиттириш узелидан берилган нарядни талаб қилиши керак.

18. Ташкилотлар, ЖЭКлар ва уй-жой бошқармалари янги уй-жойлар фойдаланишга топширилаётганда радиоэшиттириш учун тўланадиган ҳақни ўз вақтида барча квартираларда бошқа хизматлар қатори тўлов извешчениесига қўшишлари керак.

19. СССР алоқа Уставининг 109-моддасига ва алоқа линияларини муҳофаза қилиш қоидаларига биноан:
а) шаҳар радиоэшиттириш узелининг эшиттиришларига халал етказган, радио линиялари жиҳозлари ва иншоотларини бузган айбдорлар амалдаги қонунчиликка биноан моддий жавобгар бўладилар;
б) радиоэшиттириш иншоотлари воситалари атайин бузилган, йўқ қилинган ёки ўғирланган ҳолларда айбдорлар жиноий жавобгарликка тортиладилар;
в) корхоналар, ташкилотлар, ЖЭКлар, уй бошқармалари шаҳар радиоэшиттириш узелининг радиолаштириш иншоотлари яқинида қурилиш, ремонт ва бошқа ишларни олиб борган тақдирда радиоэшиттириш нормал бўлишини таъминлаш учун зарур чораларни кўришлари ва юқоридаги ишлар бажарилиши ҳақида шаҳар радиоэшиттириш узелига ўз вақтида ёзма равишда хабар қилишлари ва унинг вакилини чақиришлари шарт.

20. Қуйидагилар тақиқланади:
а) шаҳар радиоэшиттириш узели тармоқларига ўзбошимчалик билан сим улаш;
б) радиоэшиттириш симлари тортилган симёғочлар ёки линиялари оралиғидан ёритиш, телефон кабилларнинг симини ўтказиш;
в) симёғочлар ва тиргакли линияларга радио, телевидение антенналарини, телефонлаштириш кабелини ўрнатиш;
г) шаҳар радиоэшиттириш узели билан келишувсиз ҳар қандай радио иншоотлари жойини ўзгартириш.

V. ИТЛАР, МУШУКЛАР, ҲАЙВОНЛАР, ПАРРАНДАЛАР ВА АСАЛАРИЛАР САҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

1. Итлари бўлган гражданлар ва ташкилотлар (алоҳида рўйхатда санаб ўтилган ташкилотлар бундан мустасно) ҳар йилнинг биринчи ярмида ўз қарамоғларидаги итларни турар жойларидаги (ташкилот жойлашган ердаги) ветеринария шифохоналарига профилактик кўрикдан ўтказиш учун олиб боришлари керак.

Янги сотиб олинган итлар ва мушуклар ёшдан қатъий назар беш кунлик муддатда клиник кўрикдан ўтказиш учун ветеринария шифохонасига олиб борилиши керак.

Белгиланган тартибда қутуришга қарши вакцинациядан ўтказилмаган барча ёшдаги итлар олиб қўйилади.

2. Барча ёшдаги итлар ва мушукларни сотиб олиш, сотиш, кўргазмаларда намойиш этиш, Тошкент шаҳрига олиб кириш, шунингдек шаҳардан олиб чиқиш ҳолларига фақат ит ёки мушукнинг саломатлиги тўғрисида ветеринария ҳужжатлари бўлган ҳамда карантин бўлмаган тақдирда рухсат этилади.

3. Санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилинган ҳолда (бир оилада битта ит ва мушук) итлар, мушуклар сақланишига йўл қўйилади. Давлат уйларида уй-жой органларининг рухсати билан ва бир неча оила томонидан эгалланган квартираларда ҳамма яшовчиларни розилиги олингач ит ва мушук сақлашга йўл қўйилади.

4. Ташкилотлар, корхоналарга, район ветеринария хизматининг розилиги билан фақат қўриқлаш итларини сақлашга рухсат этилади. Улар боғлиқ ҳолда ва кишиларни тишлаб олмайдиган шароитда бўлиши керак. Муассасаларнинг ходимлари ўзларига тегишли бўлган итларни ана шу муассасаларнинг территориясида сақлашлари тақиқланади.

5. Фақат ветеринария ҳамда санитария-эпидемиология хизматларининг ижозати билангина ҳайвонлар ва паррандаларни виварийлар, питомниклар, ҳайвонот бурчакларида сақлашга рухсат берилади.

6. Итларни шаҳар бўйича рўйхатга олиш ва қайта рўйхат қилиш маҳаллий Советлар, идораларга қарашли уйларда турар жой органлари томонидан, хусусий уйларда —маҳалла комитетлари томонидан итни сақлаганлиги учун йиллик тўлов белгиланган тартибда тўланган тақдирда бажарилади. Рўйхатдан ўтказилмаган итларни сақлаш тақиқланади.

7. Итлар қайси зотга мансуб бўлишидан, кимга тегишли бўлиши ва қандай мақсадда боқилишидан қатъий назар номерли бўйин-боғи ва тумшуқбанди бўлса ҳам кўчалар, майдонлар, бозорлар, ташкилот ва муассасаларнинг территориялари ва бошқа жойларда эгасиз юрса, шунингдек квартиралардан ташқарида юрган мушуклар дайди саналади ва тутиб олиб кетилади.

8. Шаҳарда дайдиб юрган итлар ва мушукларни тутиб олиш «Автодормехбаза» ишлаб чиқариш тресги томонидан бажарилади.

9. Итлар ва мушукларни ертўлалар, бостирмалар, бошқа хоналар ва нояшаш биноларидан тутиб олиш уй-жой органларининг ўз кучи билан бажарилади, тутиб олиш имконияти бўлмаганда, шунингдек муассасалар ва ташкилотларнинг территорияларида тутиб олиш, уларнинг буюртмалари асосида «Автодормехбаза» трестининг махсус механизация отряди томонидан бажарилади.

10. Одамларни ёки ҳайвонларни қопиб олган итлар ва мушуклар ўз эгалари томонидан кўрикдан ўтказилиши ва ўн кунлик карантинлаш ҳамда биринчи ва иккинчи кўрик натижасига кўра справка олиш учун ветеринария шифохонасига олиб борилиши шарт. Эгалари сақлаш қоидаларига риоя этмаганлиги оқибатида одамларни иккинчи марта қопиб олган ёки ўз вақтида рўйхатдан, вакцинациядан ўтказилмаган итлар, мушуклар милиция органлари, турар жой бошқармалари томонидан ветеринария хизмати билан биргаликда олиб қўйилиши ва ит тутувчи отрядга топширилиши шарт.

11. Итлар ва мушукларнинг эгалари мажбурдирлар:
— итларни маҳкам боғланган, чиқиб кетмайдиган ҳолатда сақлаш;
— итларни зинапоялар, ҳовли ва кўчаларга фақат калта занжир боғланган, тумшуқбанди кийгизилган ҳолда катта ёшдаги кишилар кузатувида олиб чиқиш, уй-жойлардан фойдаланиш идоралари ажратиб берган территориядагина сайр эттиришга ижозат берилади;
— квартиралар, зинапоялар, ҳовлилар ва умумий фойдаланиладиган бошқа жойларни итлар ва мушуклар ифлос қилишга йўл қўймаслик, итлар ва мушукларнинг эгалари уларнинг чиқиндиларини дарҳол йўқотишлари лозим:
— ит ёки мушук касал бўлганда ёхуд нобуд бўлганда касалланганини ва нобуд бўлганининг жасадини кўздан кечириш учун ветеринария шифохонасига топшириш лозим (жасадни ерга кўмиш ёки ташлаб юбориш тақиқланади):
— итлар ва мушукларнинг эгалари ҳайвонларни назоратсиз қолдириши ёки нобуд қилиши ман этилади;
— ветеринария шифохоналарининг талаби билан итлар ва мушукларни кўрикдан ўтказиш, диагностика текшируви, эмлашга олиб бориш даркор.

12. Моллар, овланадиган ҳайвонлар, паррандалар ва асалариларнинг эгалари қуйидагиларга риоя қилишлари шарт:
а) моллар, овланадиган ҳайвонлар ва паррандаларни жиҳозланган хоналарда даволаниш-профилактика, ўқув, маданий-оқартув муассасалари, бозорлар, озиқ-овқат магазинлари, умумий овқатланиш корхоналаридан камида 100 метр нарида ва турар жой биноларидан 10 метр нарида сақлаш; паррандалар боқиладиган жойлар 1,5 метр баландликдаги сим тўр билан ўралган бўлиши, озода сақланиши керак;
б) ҳайвонлар гўнгини ёпиқ гўнгхонада сақлаш ва мунтазам ташиб кетиш;
в) ҳар йили (йилнинг биринчи ярмида) уй ҳайвонларини шу территорияга хизмат қилувчи шифохонага олиб бориш, паррандалар ва асалариларни ветеринария кўригидан ўтказиш ва юқумли касалликларга қарши ветеринария ишловидан ўтказиш учун буюртма бериш. Янги сотиб олинган уй ҳайвонлари, паррандалар ва асаларилар 5 кунлик муддатда ветеринария шифохонасида рўйхатдан ўтказилиши керак.
г) моллар сақланадиган жойларни дезинфекция қилиш юзасидан ҳар йили район профилактика дезинфекцияси бўлими (ОПД) ҳамда гўнг ва бошқа чиқиндиларни ташиб кетиш юзасидан район «Автодормехбаза»си билан шартнома тузиш;
д) молларни сўйиш фақат матлубот жамиятининг шаҳардаги қушхоналарида бажарилиши керак.

13. Қуйидагилар ман этилади:
а) ветеринария ҳужжатларисиз барча турдаги моллар, овланадиган ҳайвонлар ва паррандаларни Тошкент шаҳрига олиб кириш ва шаҳардан олиб чиқиш;
б) моллар, овланадиган ҳайвонлар, паррандаларни ташкилотларнинг территорияларида, коллектив ҳовлиларида, санитария-ҳимоя зоналарида (виварийлар бундан мустасно) сақлаш, бир оилада бир ёшга тўлмаган бузоғи билан бир бошдан ортиқ сигир ёки боласи бир ёшга тўлмаган бир бошдан ортиқ эчки (сигир ўрнига), бўрдоқига боқиш учун бир бошдан ортиқ чўчқа ёки қўзичоғи бир ёшга тўлмаган уч бошдан ортиқ қўй сақлаш;
в) ёввойи ҳайвонларни ва илонларни сақлаш;
г) кўп қаватли уйларда ва коллектив ҳовлиларида асалари сақлаш;
д) моллар, паррандаларни, кўчаларда, паркларда, майдонларда ва бошқа жамоатчилик фойдаланадиган ер участкаларида боқиш;
е) ит ва мушукларни коллектив ҳовлиларида, жамоатчилик фойдаланадиган ва очиқ жойларда (ошхоналар, коридорлар, йўлаклар, балконлар, айвонлар, зинапоялар, чердаклар, ертўлалар)да сақлаш;
ж) уйда мол сўйиш;
з) бозордан ташқари жойларда чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик маҳсулотлари билан савдо қилиш;
— итлар ва мушукларни умумий овқатланиш корхоналари, магазинлар, мактаблар, парклар, спорт ва болалар даволаш муассасалари, бозорлар ва бошқа жамоат жойларига олиб бориш;
— итлар ва мушукларни ташкилотлар, муассасалар, умумий овқатланиш корхоналари, болалар ва даволаш муассасалари территориясида боқиш.

14. Ҳайвонлар, паррандалар, асаларилар боқиш шароитини таъминлашда уй-жой органлари ва бошқа ташкилотларнинг вазифалари:
а) гражданларга тегишли итлар, моллар, паррандалар, асалариларнинг ўз вақтида рўйхатдан ўтказилишини кузатиб бориш ва ҳайвонлар, паррандалар, асалариларни рўйхатдан, ветеринария ишловидан ўтказишдан бош тортган, сақлаш қоидаларини бузувчи кишиларга акт тузиш ҳамда чора кўриш учун район ижроия комитетига топшириш, ветеринария шифохоналари ва милицияга хабар қилиш;
б) итларни сақлаш учун ҳақ ўз вақтида тўланишини таъминлаш;
в) итлар сайр эттириладиган майдонларни ажратиш, жиҳозлаш ва тегишли санитария ҳолатида сақлаш, маҳаллий Советларнинг уйлари, идораларга қарашли уйлар ва хусусий уйлар территориясида дайди итлар, мушуклар юришига йўл қўймаслик;
г) ертўлалар, чердакларни ёпиқ ҳолда сақлаш, итлар, мушуклар ва бошқа ҳайвонларнинг кирмаслиги учун албатта сим тўрлар ўрнатиш;
д) халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетларининг уйлари, министрликлар, идоралар, уй-жой қурилиш кооперативларининг уйларида ва хусусий уйларда яшовчи барча гражданларни ҳайвонлар, паррандалар, асалариларни сақлаш қоидалари билан таништириш;
г) ушбу қоидаларнинг бажарилиши юзасидан тадбирлар ўтказишда ветеринария шифохоналарининг ходимларига кўмаклашиш.

15. Ушбу қоидаларнинг бажарилишини назорат қилиб бориш халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетларига, шаҳар ветеринария станциясига, шаҳар санитария-эпидемиология станциясига, шаҳар уй-жой бошқармасига, министрликнинг уй-жой органларига, уй-жой қурилиш кооперативларининг правлениеларига, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ички ишлар бошқармасига юклатилади.

16. Моллар, итлар, мушуклар, паррандалар, асаларилар ва бошқа ҳайвонларни сақлаш қоидаларини бузганлик учун милиция органлари, ветеринария хизмати ва район ижроия комитетлари қошидаги маъмурий комиссиялар томонидан жарима солинади. Ушбу қоидаларни бузиш такрорланган тақдирда, агар қоида бузишлик жиноий жавобгарликка олиб келмаса, ҳайвонлар милиция органлари томонидан ветеринария хизмати билан биргаликда олиб қўйилишига сабаб бўлади.

VI. ГАЗОПРОВОД, ВОДОПРОВОД ВА КАНАЛИЗАЦИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

1. Шаҳар коммунал водопровод ва канализация тармоқларига фақат «Водоканал» тресги рухсати билан, у билан келишиб олинган лойиҳалар бўйича, бу ишга алоқадор техникавий шартлар бажарилган тақдирдагина уланиш мумкин. Шаҳар водопроводига сув ўлчагич қурилмаларисиз уланиш қатъиян ман этилади.

2. Шаҳар водопроводидаги ичимлик сувни техник эҳтиёжлар учун (озиқ-овқат корхоналарининг технологик эҳтиёжлари бундан мустасно) сарф этишга «Водоканал» трестининг махсус шартномалари билан, шунда ҳам унда бўш қувватлар бўлгандагина, шаҳар аҳолисининг эҳтиёжи қондириб бўлинганидан кейин, шартномада келишилган миқдорда истисно тариқасида йўл қўйилади. Истеъмол тасдиқланган лимит асосида зарур ҳолларда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан чекланади. Яшил ниҳолларни, тротуарларни ва ҳовли территорияларини водопровод суви билан суғориш; ичкари ҳовлиларда ҳовузларни қуриш, шунингдек шахсий уйларнинг, корхона ва ташкилотларнинг ҳовлиларида микроиқлим яратиш учун қурилмалар ва фаввораларни ўрнатиш қатъиян ман этилади.

3. Шаҳар водопроводи ҳамда канализацияси абонентлари қуйидагиларга риоя қилишлари шарт:
а) ҳовли ҳамда уйлардаги водопровод—канализация қурилмаларини ҳамиша бенуқсон сақлаш, уларни ҳар йили 1 октябрга қадар куз-қиш мавсумида эксплуатация қилишга шай қилиб қўйиш, улар ўз вақтида тайёрланмаган ҳолларда водопровод—канализация қурилмалари қўшимча огоҳлантиришсиз шаҳар водопроводи ва канализациясидан узиб қўйилади;
б) фойдаланиб бўлгач водопровод кранларини маҳкам беркитиб қўйиш;
в) ҳовлилардаги сув тақсимлагичлардан, ички санитария-техника приборлари ва қурилмаларидан, ички майдончалардаги тармоқлардан, саноат корхоналари, автомобиль хўжаликлари ва қурилишлардаги водопроводлардан водопровод сувининг беҳуда оқишига йўл қўймаслик.

Ичимлик сувнинг беҳуда оқишига ва ундан самарасиз фойдаланишига йўл қўйган шаҳар водопроводининг абонентлари Ўзбекистон ССР Уй-жой ва коммунал хўжалиги министрлигининг 1978 йил 20 мартдаги 140-буйруғи билан тасдиқланган, 1978 йил 1 майдан кучга кирган «Ўзбекистон ССР шаҳарлари ва район марказларида водопровод ва канализациядан фойдаланиш қоидалари»га мувофиқ жавобгарликка тортиладилар;
г) «Водоканал» тресги вакиллари ўз шахсий гувоҳномаларини кўрсатиб, корхона, ташкилот, уйларнинг водопровод — канализация хўжаликларини текшириш, сув ўлчагичнинг кўрсаткичларини ёзиб олиш, уларни ремонт қилиш ва алмаштириш мақсадида келганларида, уларга ҳеч қаршиликсиз йўл бериш;
д) кўчалардаги водопровод ва канализация тармоқларида шикастланиш ҳолларини пайқаганда «Водоканал» трестининг авария хизматларига хабар қилиш;
е) ювиниш ҳовузларини санитария-техника ҳолатига, сувини янгилаб туриш тартибига (бир кунда бир марта тунги пайтда) риоя қилиниши учун масъулият ана шу ҳовузлар балансида турган ташкилотлар зиммасига юкланади.

4. Ремонт-қурилиш трестлари йўл ҳамда тротуарлар қуриш ва уларни ремонт қилиш вақтида водопровод ва канализация қудуқларидаги мавжуд люкларни йўл сатҳи даражасигача кўтариб қўйишлари, уларнинг устидан асфальт ётқизилишига йўл қўймасликлари керак. Қурилиш ишлари тугагандан сўнг водопровод ва канализация қудуқлари ҳамда камералари белгиланган тартибда «Водоканал» тресги вакилларига топширилиши лозим. Мавжуд водопровод ва канализация тармоқларини қайта қуриш «Водоканал» трестининг техник-шартлари бўйича амалга оширилади.

5. Қуйидагилар ман қилинади:
а) люкларни очиш ва водопровод-канализация қудуқларига тушиш; уларни тўсиб қўйиш, уларнинг устида гаражлар, ёрдамчи хоналар, болалар ва спорт майдончалари қурилишини олиб бориш;
б) шаҳар канализациясига ёмғир сувларини, ирригация тармоқларидан ҳамда корхоналардан чиққан шартли тоза сувларни оқизиш, маиший чиқиндиларни, портловчи ва газ ҳосил қилувчи моддаларни ташлаш;
в) водопровод ва ҳовлида тўпланган ёмғир сувларини кўчага оқизиб қўйиш;
г) водопровод ва канализация трассалари бўйлаб трубопровод ўқидан 5 метрдан яқин масофада қурилиш ва бошқа ишларни олиб бориш, дарахтларни ўтқазиш, 20 метрдан яқин масофада ҳожатхоналарни ва ахлат ташланадиган ўраларни жойлаштириш;
д) жамоат водопровод колонкаларида кир, ҳар хил идиш-товоқларни ювиш, чўмилиш ва ювиниш.

6. Шаҳар газопроводига фақат «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг рухсати билан, у билан келишиб олинган лойиҳа асосида, шу ишга алоқадор техник шартлар бажарилган тақдирдагина уланиш мумкин.

7. Бошқа буюртмачилар томонидан монтаж қилинган газопроводларни фойдаланишга қабул қилиш «Ташгаз» бирлашмаси томонидан, занглашдан муҳофаза қилиш лойиҳаси тадбирлари билан амалга оширилади.

8. Ер ости коммуникациялари, электрхимия ҳимояси элементлари устидаги барча йўл ишлари, биноларни бузиш «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ёзма рухсатномаси билан ёки бирлашманинг вакили ҳозирлигида амалга оширилиши керак. «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишларни бажаришни тақиқлаш тўғрисида талаб қоғози кўрсатилган тақдирда дарҳол бу ишларни тўхтатмоқ ва рухсат бўлмагунча бошламаслик зарур.

«Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси вакиллари чақирилмаган тақдирда ҳамда газопроводнинг бузилишига йўл қўйилганда шу ишни бажарган ташкилот ўзи етказган барча моддий зарарни қоплайди.

9. Ер-тупроқ ишларини олиб бораётган корхона ва ташкилотлар, техник ҳужжатларда акс этмаган газопроводлар, электр-химия ҳимояси элементларига дуч келиб қолган ҳолларда ер-тупроқ ишларини дарҳол тўхтатишлари, газопроводни бешикаст сақлаш чораларини кўришлари ва бу ҳақда газопроводдан фойдаланувчи энг яқин ташкилотга маълум қилишлари шарт.

10. Шаҳар уй-жой бошқармаси, «Горремстройтрест»нинг ремонт-қурилиш бошқармалари турар жойларни ремонт қилиш пайтида шаҳар газ хўжалигининг тегишли белгилари сақланишини таъминлашлари лозим.

11. Уй-жой фондига эга бўлган министрликлар ва идоралар, уй-жой органлари ва уй эгалари газ ускуналари ва унинг тутун ҳамда вентиляция каналлари бенуқсон ишлаётгани тўғрисида ўз вақтида акт тузиб, топширишлари керак. Дудбуронлар ва вентиляция каналларининг аҳволи учун биноларнинг эгалари ва уй эгалари жавобгардир.

12. Шаҳар ёнғинга қарши кураш кўнгилли жамияти ва «Стройрембит» хўжалик ҳисобидаги бошқармаси газ истеъмолчиларининг биринчи талаби билоноқ дарҳол белгиланган тартибга мувофиқ зарур текшириш ишларини ўтказишлари керак.

13. Абонентлар қуйидагиларни бажаришлари шарт:
а) газ плиталари, печларни яхши асраш ҳамда квартиралар ичидаги газ тақсимлагичнинг бенуқсон сақланишини таъминлашлари: газ ускуналари учун мўлжалланган тутун чиқарувчи ва вентиляция каналлари бузилганлиги ҳақида ўз вақтида акт тузиб, тақдим этишлари;
б) газ асбобларидан фойдаланиш бўйича хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ талаблар бажарилмаган тақдирда абонент ана шу нуқсон бартараф этилиб, газ асбобларидан нормал фойдаланиш имконияти туғилгунга қадар газдан фойдаланишдан маҳрум этилади. Қайта тиклаш ишлари айбдорлар ҳисобига бажарилади.

14 Қуйидагилар ман этилади:
а) кўчалардаги газопровод иншоотлари ва электр-химия ҳимоя воситалари устини очиш;
б) люкларни очиб, газ қудуқларига тушиш;
в) уйлардаги хоналарни, хусусий хўжаликлардаги теплицаларни иситиш учун газдан фойдаланиш.

15. Гражданларга қарашли хусусий уйларга қўшимча газ приборларини ўрнатиш учун аризалар «Ташгаз» бирлашмасида, қурилиш шаҳар БТИсида расмийлаштирилганидан сўнг қабул қилинади.

16. Газ асбобларини ўзбошимчалик билан монтаж қилган ёки жойини ўзгартирган абонент газ тармоғидан узиб қуйилади ва квартираларни газлаштириш графигига биноан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, объектни «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг район эксплуатация хизмати фойдаланишга қабул қилгунга қадар, газ асбобларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

17. Ушбу бўлимда баён этилган талабларнинг бузилишига йўл қўйган айбдорлар: раҳбар шахслар— 50 сўмгача, гражданлар— 10 сўмгача жарима тўлашга мажбур этилади.

Жарима «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан белгиланган тартибда солинади.

VII. ОЗОДАЛИК ВА ТАРТИБНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

1. Тошкент территориясидаги барча жамоат жойларида: кўчалар, проспектлар, парклар, майдонлар, хиёбонлар, ҳовлилар, кварталлараро проездларда, шаҳар автотранспортида, стадионлар, театрлар, кинотеатрлар, клублар, вокзаллар, савдо, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хўжалиги корхоналари, бозорлар, автомобиль тўхташ жойлари ва бошқа оммавий тўпланадиган жойларда ҳамда уларга туташ территорияларда озодалик ва тартиб сақланиши керак.

2. Ташкилотлар, корхоналар, муассасалар қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар, уй эгалари қуйидагиларга риоя этишлари керак:

— қишда ўзига тегишли территория, ирригация тармоғи, қувур-кўприкларни қор ва муздан тозалашлари, яшил ниҳолларни парвариш қилишлари;

— тегишли тозалаш ишларини бажариш— узунасига — участка ёки уйларнинг бутун территорияси бўйлаб; энига— бинодан асфальтланган кўчанинг қатнов қисмигача ёки асфальтланмаган кўчанинг ўртасигача, шунингдек, кўприкларни, қувур кўприкларни, ариқларни, йўлка ёки йўл четларини, соҳилларни қияликкача озода қилиб қўйиш;

— барча саранжом-саришталаш ишларини баҳор-ёз пайтларида эрталаб соат 7.30 гача, куз ва қиш пайтларида эрталаб соат 9.30 гача тугаллаш, бутун кун давомида озодаликни таъминлаб туриш;

— корхоналарнинг бинолари ва иншоотларини шахсий уйларни кўнгилдагидек саранжом-саришта тутиш, биноларнинг олд–томони, кўча эшиклари сув қувурлари, кранлар, балконларни ўз вақтида ремонт қилиш ва бўяш, ҳовли территорияси, гулзорларини тозалаш, санитария тозалиги системаси чиқиндиларнинг қуйидаги турларини тўплаш, чиқариб ташлаш, зарарсизлантиришни ва йиғиб топширишни кўзда тутади: уй-жойлар ва жамоат бинолари, савдо, умумий овқатланиш, маданий-маиший корхоналардан чиқадиган хўжалик-маиший шу жумладан, озиқ-овқат чиқиндилари канализацияга уланмаган бинолардан чиқадиган суюқ чиқиндилар, кўчалардаги ахлат ҳамда шаҳар районларининг территорияларида йиғилиб қоладиган бошқа рўзғор чиқиндилари.

Шаҳарда озодалик ва тартибни сақлаш, махсус автомашиналар паркидан янада самарали фойдаланиш мақсадида рўзғор чиқиндилари ихтисослаштирилган транспорт воситалари ёрдамида марказлаштирилган ягона система бўйича чиқариб ташланади.

Рўзғор чиқиндиларини планли равишда мунтазам чиқариб ташлаш системасини ташкил этиш халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетларининг қарорлари асосида район, шаҳар «Автодормехбаза»лари тавсияси билан белгиланади.

Қаттиқ ва суюқ рўзғор чиқиндиларини бевосита далаларга ва экинзорларга чиқариб тўкиш ман этилади.

Хусусий уйлар жойлашган территорияларда чиқиндилар тўпланадиган махсус майдон ажратилган бўлиб, уларга транспортнинг кириб чиқиши қулай бўлиши лозим. Контейнерлар жойлаштириладиган майдон очиқ, таги асфальтланган ёки бетонлаштирилган бўлиши керак.

Ахлат йиғиладиган идишларнинг ҳажми ва сонини аниқлашда чиқиндиларнинг тўпланиш нормаларидан, ана шу идишлардан фойдаланадиган кишиларнинг сонидан, чиқиндиларнинг сақланиш муддатидан келиб чиқилади.

Бир майдончада 5 тадан зиёд контейнерни (сиғими 0,75 —0,8 кубометр бўлган) ўрнатишга йўл қўйилмайди.

Чиқиндилар ҳовлидаги идишларда сақланган тақдирда уларнинг чириш ва бузилишига йўл қўймаслик лозим. Шунинг учун йилнинг совуқ пайтларида (куз-қишда) уларни сақлаш муддати уч кундан ошмаслиги, иссиқ кунларда бир кундан ошмаслиги (ҳар куни ташиб кетилиши) керак.

Қаттиқ рўзғор чиқиндиларини тўплаш учун ободонлаштирилган уй-жой фондларида стандарт металл контейнерларни қўлланиш тавсия этилади.

Контейнерлар очиқ майдонларда — турар жойлардан, болалар муассасаларидан, спорт майдончаларидан ва аҳолини дам олиш жойларидан камида 20 метр олисликда, аммо 100 метрдан олис бўлмаган ерда ўрнатилиши лозим. Майдонча сатҳи контейнерлар сонига мос бўлиши керак.

Чиқиндилар тўпланадиган металл идишлар, улар ўрнатиладиган майдончалар тез-тез ювиб турилиши керак.

Чиқинди идишларидан, шунингдек, ахлат ташувчи транспортдан иккиламчи хом ашё (латталарни, банкалар, шиша идишларни ва бошқа предметларни) териб олиш ман этилади.

Ахлат қувури, ахлат қабул қилувчи камера ҳамиша соз бўлиши лозим. Уларни мунтазам тозалаб туриш, дезинфекциялаш, зарур ҳолларда эса дезинсекция қилиш керак.

Камера, ахлат қувури, ахлат тўпланадиган идишлар ҳамда камералардан ахлат тўкиладиган ерга туташ территорияларнинг озодалиги учун уй қайси ташкилотнинг қарамоғида бўлса ана шу ташкилот жавобгардир.

Супуриб-сидириладиган магистраллар бўйлаб ахлат ташланадиган идишлар қўйилган бўлиши лозим. Идишлар орасидаги масофа асосий кўчаларда 100 метрдан, иккинчи даражали кўчаларда эса 200 метрдан ошмаслиги керак. Идишларнинг аҳволига ўзларига бириктилган территорияларни тозаловчи ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар жавобгар.

Киоскалар, палаткалар, майда чакана савдо павильонлари, магазинлар олдида тара ва запас товарларни сақлаш мумкин эмас.

Кўчаларда мева, сабзавот ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи палатка, дўкон, кўчма дўконларни жойлаштириш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан кўчаларда савдони ташкил этиш санитария-эпидемиология станциялари билан келишилган ҳолда амалга оширилиши керак. Хусусий шахсларнинг уйда тайёрланган таомлар билан савдо қилиши ман этилади. Реализация қилинаётган маҳсулот санитария-эпидемиология станцияси билан келишилган ҳолда милиция ходимлари томонидан мусодара қилинади. Савдо павильонларига туташ территорияларни 5 метр радиусда тозалаш савдо корхоналари томонидан бажарилади.

Супуринди ахлатларни, рўзғор чиқиндиларини махсус белгиланган жойга фақат кеч соат 22 дан сўнг олиб чиқиб ташлашга рухсат берилади.

Уй бошқарувчилари, биноларнинг комендантлари, корхона, муассаса, савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларининг раҳбарлари, ижарачилар, қурувчилар ўз иншоотларининг рўпарасидаги йўлкаларда 50— 100 метр оралиғида супуринди ахлатларни тўплаш учун бир хилдаги идишларни ўрнатишлари ва уларнинг ўз вақтида тоза бўлишини таъминлашлари лозим.

Кўчаларнинг қатнов қисмини, майдонлар ва жамоат транспорти бекатларини (сўнгги бекатдан ташқари) тозалаш (ювиш, сув сепиш, ахлат, қор ва яхмалакдан тозалаш) район ободонлаштириш бошқармалари томонидан бажарилади.

Сел канализацияси бўлмаган проездларни чангдан тозалаш ва супуриб-сидириш «Автодормехбаза» трестининг супуриб-сидирувчи машиналари томонидан бажарилади.

Хазонрезги пайти тўкилган баргларни вақтида йиғиштириб олиш керак. Тўпланган барглар махсус ажратилган участкаларга чиқариб ташланади ёки далаларга ўғит учун етказилади.

Йўлларнинг устки қобиғига химиявий моддалар билан ишлов берилаётганда сув эритмалари ҳосил бўлишини бартараф этиш учун фойдаланилаётган қўшилмаларни қўллашда химиявий моддаларнинг белгиланган нормаларига мувофиқ фойдаланиш шарт.

Қор тўпланадиган участкаларни танлаш ва белгилашда санитария назорати органларининг ижозатига эга бўлиш керак.

Қурилиш объектларини, шунингдек, уларга туташ кўчалар территориясини (йўлкалар, майсазорлар, ариқлар) тозалаш қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилади

Хусусий уйлари бўлган ва йирик ёки майда қорамол, чўчқа ва парранда боққан гражданлардан томорқасидан, боғидан гўнг, чиқинди, қурилиш чиқиндилари ташиб кетилгани учун прейскурантда белгиланган баҳода ҳақ ундириб олинади.

Турар жойлар, маъмурий ва саноат бинолари бўлган корхоналар, муассасаларнинг раҳбарлари, ЖЭК, ЖЭУ, ЖКК бошлиқлари, шунингдек ер участкасидан фойдаланувчилар уй хўжалигидан фойдаланиш бўйича белгиланган тартибга риоя қилишлари керак:
— биноларга кўрсаткичлар ва номер белгиларини осиб қўйишлари;
—ҳовлиларда, подъездларда, вестибюлларда ҳамиша соз электр чироқлари бўлишини таъминлашлари, ўз вақтида ёқиб қўйиш ва ўчиришлари.

Савдо ташкилотлари, шунингдек, дорихоналар бошқармаси, шаҳар китоб савдоси бўлими, «Союзпечать», «Медтехника» ва шаҳар Совети ижроия комитети томонидан белгиланган жойларда дўконлари бўлган бошқа ташкилотлар ўзларига туташ территорияларда озодаликни сақлашлари, ахлатдан тозалашлари, ҳар куни савдо тугаганидан сўнг тўпланган чиқиндиларни олиб чиқиш кетишлари лозим.

Трамвай йўллари (изларнинг икки томонидан 0,5 метрдан) ва кўчанинг ҳаракат қисмини тозалаб туриш, шунингдек, чиқиндиларни ташиб кетиш Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг трамвай-троллейбуслари бошқармаси томонидан бажарилади: кўчанинг қатнов қисмида жойлашган ва асфальтланган трамвай йўллари ободонлаштириш бошқармаси кучлари билан тозаланади.

(Давоми 4-бетда).

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИ, ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 2- ва 3-бетларда).

Трамвай-троллейбус деполари ва автомобиль хўжаликлари транспорт воситаларини шаҳар кўчаларига тоза, бенуқсон ҳолда чиқаришлари, сўнгги бекатларда уларнинг ҳар куни икки марта ювиб, тозаланишини таъминлашлари лозим.

Трамвай, троллейбус ва автобуслар. нинг сўнгги бекатларинн тозалаш трамвай-троллейбус бошқармаси ва пассажир автотранспорти Бош бошқармасининг кучлари билан бажарилади. «Тошкент-пассажир» станциясининг вокзал олди майдони эса темир йўл бўлими кучи билан тозаланади.

Қурилиш ва ремонт ишлари олиб борилаётганда қурилиш майдонлари тротуар томонга нишаби бўлган соябонли типовой девор билан тўсилиши, девор ёқалаб кенглиги камида бир ярим метр бўлган панжарали тахта йўлкалар ўрнатилиши керак. Шунингдек, мустаҳкамланган кириш йўли жиҳозланиши, кўчаларни ифлослантирмаслик учун машиналарни тозалайдиган, қурилиш чиқиндиларини, тупроқни намлайдиган мослама бўлиши лозим. Қурилиш майдонларини тўсиқлар билан ўраш ва ободонлаштириш ишлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ободонлаштириш Бош бошқармаси ва Ички ишлар бошқармасининг Давлат автомобиль инспекцияси билан келишилган ҳолда бажарилиши, ушбу ишлар бажарилганидан сўнг юқоридаги ташкилотларга кўрсатилиши керак.

Сочилувчи ва кўчаларни ифлос қилиши мумкин бўлган бошқа юклар — қурилиш чиқиндилари, қум ва тупроқ фақат махсус жиҳозланган машиналарда намланган ҳолда ташилиши керак. Бундай юкларнинг устига брезент ёпилиши лозим.

Шаҳар территориясини куз-қиш мавсумида тозалаш ишлари 1 ноябрдан 1 апрелга қадар давом этади. Бунда кўчаларни хазондан, қор, муз, ахлат, лойдан тозалаш ва кўчаларнинг қатнов қисмига қум сепиш ишлари кўзда тутилади.

Тротуарлар, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар ва гулзорларни қор ҳамда муздан тозалаш ишлари қор ёғиши биланоқ бошланади ва шаҳар транспорти, йўловчиларнинг узлуксиз ҳаракатини таъминлаш учун даставвал марказий кўчаларда, троллейбус ва автобус трассаларида ҳамда бекатларида, кўприклар, ўтиш йўллари, тротуарлар ҳамда метро станцияларига кириш жойларида бажарилади.

Кўчаларнинг қатнов қисмига, майдонларга, чорраҳаларга, қияликларга механизациялашган усулда қум сочиш ишлари махсус йўл-эксплуатация трести, «Автодормехбаза» ишлаб чиқариш трести ҳамда район ободонлаштириш бошқармалари томонидан планли равишда амалга оширилади.

Бино ва иншоотлари бўлган ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, шунингдек хусусий уйлари бўлган граждалар зарур ускуналарга ҳамда қум запасларга эга бўлишлари, ўзларига тегишли йўлкаларни қордан тозалашлари ва қум сочиб туришлари керак.

Қуйидагилар ман этилади:

а) кўчалар, майсазорлар, гулзорлар, ирригация тармоқлари ва сув ҳавзаларига рўзғор чиқиндиларини, супуринди ахлатларни, шох-шаббаларни, хазонни, турли идишларни, ифлос сувни чиқариб ташлаш;

б) ифлосланган транспортнинг шаҳар бўйлаб ҳаракат қилиши;

в) уйлар ҳамда жамоат жойларининг олд томонларига яшил тўсиқдан ташқари ҳар қандай тўсиқлар (панжаралар)ни ўрнатиш;

г) кўча томонга қараган балконларда рўзғор буюмларини осиб қўйиш ва сақлаш;

д) кийим-кечак, гилам, кўрпа-тўшак сингари буюмларни рухсат этилмаган жойларда қуритиш, тозалаш ва чангини қоқиш;

е) рухсат этилмаган жойларга эълон ёпиштириш;

ж) ариқларда ҳовузлар қазиш, ҳар хил тўсиқларни ўрнатиш;

з) каналлар, кўллар ва ирригация тармоқларида сувда яшовчи паррандаларни боқиш, кир ювиш, ҳайвонларни чўмилтириш;

и) кўчаларда, паркларда, майдонларда ва ҳовлиларда қуриган шох-шаббаларни, хазонни, рўзғор чиқиндиларини, идишларни ёндириш;

к) кўчаларнинг қатнов қисмида, тротуарларда ер қазиш, ғишт қуйиш ва қурилиш материалларини ғамлаб қўйиш;

л) олдиндан сув сепмасдан туриб кўча, тротуар ва ҳовлиларни супуриш;

м) шаҳарнинг белгиланмаган жойларида озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қилиш;

н) хизмат ва шахсий автомобилларни белгиланмаган жойларга қўйиб кетиш;

о) коллектив ҳовлилари, жамоат жойлари ва кўчаларда машиналар, мотоциклар, мотороллерлар, мопедларни ремонт қилиш ва ювиш.

Ушбу бўлимда белгиланган талабларни бузган раҳбар шахсларга халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар томонидан огоҳлантириш берилади, ёки 50 сўмгача жарима солинади, бошқа шахслар ва гражданларга огоҳлантириш берилади ёки 10 сўмгача жарима солинади.

Ушбу бўлимда белгиланган талабларнинг бузилишига йўл қўйган шахслар содир этилган тартиб бузилишининг характери назарда тутилиб тартиб бузувчига жамоат таъсири чораларини кўриш мақсадга мувофиқ деб топилган ҳолларда, тегишли материаллар жамоат ташкилоти ёки меҳнат коллективининг ўртоқлик судида кўриб чиқиш учун юборилади ва маъмурий жавобгарликдан озод қилинади.

VIII. ЯШИЛ НИҲОЛЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

1. Яшил ниҳоллар кимнинг қарамоғида эканлигидан қатъий назар, шаҳарнинг дақлсиз яшил бойлиги ва умумхалқ мулкидир. Яшил ниҳолларни муҳофаза қилиш гражданиннинг вазифаси ва фахрли бурчи ҳисобланади.

2. Шаҳардаги яшил ниҳоллар асралиши ва агротехника қоидаларига мувофиқ парвариш қилиниши қуйидагиларга юкланади:

а) хиёбонлар, бульварларда, шаҳар боғларида, ўрмон-парклларда, кўчаларда — халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларига, ободонлаштириш Бош бошқармасига;

б) кўчаларда бинолар олдидан тротуаргача, квартал ичидаги дарахтзорларда ва микрорайон боғларида — уй-жой ишлаб чиқариш эксплуатация трестлари раҳбарларига, ЖЭК, ЖКК, ЖКУ, ЖКОларнинг бошлиқларига, бинолар. нинг комендантларига, арендага олувчиларга;

в) маданият ва истироҳат боғларида —Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг маданият бошқармасига;

г) корхоналар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг территорияларида, шунингдек корхоналар атрофидаги участкаларда ва санитария-ҳимоя зоналарида — корхоналар, ташкилотларнинг раҳбарларига;

д) қурилиш ишлари учун ажратилган дарахтзорлар территориясида — ер участкаси ажратилган ташкилотларнинг раҳбарларига ёки қурилиш ташкилотларининг раҳбарларига;

е) хусусий уйларда —шу уйларнинг эгаларига.

3. Ниҳолларнинг эгалари қуйидагиларга риоя қилишлари шарт:

а) яшил ниҳоллар сақланишини таъминлаш;

б) ушбу қоидаларга биноан ниҳоллар, гулзорлар, майсазорлар, гул экилган йўлкалар ва жиҳозлар асралиши ва парвариш қилинишини таъминлаш;

в) бутун йил мобайнида зараркунандалар ва яшил ниҳоллар касалланишига қарши зарур тадбирлар ўтказилишини, шу жумладан қуриган, синган шохларни олиб ташлаш ва дарахтларнинг шикастланган жойлари парваришланишини таъминлаш.

4. Дарахт ва ниҳолларни кўчириб ўтказиш, шу жумладан касалланганларини ҳамда ерости коммуникациялари ётқизилиши, юқори вольтли линиялар, кўтарма кранлар ва бошқа иншоотлар ўрнатилиши сабабли кесиш ва қайта ўтқазиш ишлари фақат халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ва район Советлари ижроия комитетларининг қарори билан амалга оширилиши мумкин. Дарахт ва буталарнинг ўтқазишга яроқлилигини ободонлаштириш Бош бошқармаси ва район ободонлаштириш бошқармаларининг мутахассисларидан иборат комиссия аниқлайди.

5. Шаҳарда қурилиш олиб бориш, коммуникациялар ётқизиш сабабли яшил ниҳолларни олиб ташлаш ва шикастлашга зарурат туғилса, зарарни келтирган ташкилотдан маблағ ундириб олинади, жарима маҳаллий бюджетга ўтказилиб, кейинчалик ана шу сумма яшил ниҳолларни тиклаш ёки капитал ремонт қилишга сарфланади. Бунда яшил ниҳолларга келтирилган зарар Ўзбекистон ССРдаги амалдаги белгиланган қоидага биноан ҳисоблаб чиқарилади.

6. Дарахт ва буталарни олиб ташлаш ва қайта ўтқазиш қурувчиларнинг кучи ва маблағлари ҳисобига район ободонлаштириш бошқармаси мутахассислари раҳбарлигида бажарилади.

7. Дарахтларни қонунсиз кесган ёки шикастлаган айбдорлар маъмурий тартибда район ижроия комитети ажратган жойда ҳар бир туп нобуд қилинган дарахт эвазига 10 туп кўчат экиб бериш ва уни бир йил мобайнида парваришлаш мажбуриятини олади.

8. Корхоналар, муассасалар, қурилиш ва ремонт-қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари қурилиш, ер-планировка ва бошқа ишларни яшил ниҳоллар зонасида амалга оширишда қуйидагиларни бажаришлари шарт:

а) Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг махсус комиссиясидан ишни бажариш ҳуқуқини берувчи рухсатнома олиш;

б) қурилиш территориясида бўлган дарахтларни баландлиги 2 метрли яхлит тўсиқлар билан ўраш. Тўсиқларни учбурчак ҳолда дарахтдан камида 0,5 метр масофада жойлаштирмоқ лозим;

в) шаҳар йўллари, майдонлари, ҳовлилар, тротуарлар ва шу кабиларда кенгайтириш ва асфальтлаш ишларини бажариш пайтида дарахт атрофида диаметри камида 1,5 метрли оралиқ қолдириш, кейинчалик бу ерга панжарасимон темир-бетон ёки бошқа қоплама ётқизиш;

г) кабель канализация қувурлари ва бошқаларни ётқизиш учун зовурларни йўғонлиги 15 сантиметрли дарахтдан камида 2 метр, йўғонлиги 15 сантиметрдан ортиқ бўлса камида 3 метр, буталардан камида 1,5 метр нарида қазиш, бунда масофани ниҳолнинг илдиз ёнидан бошлаб ҳисоблаш лозим;

д) дов-дарахтлар бўлган жойдаги кўчалар, йўлкалар, трамвай линиялари ва бошқа иншоотларни реконструкция қилиш ва қуриш пайтида қияликнинг ўзгариши амалдагидан 5 сантиметр ортиқ ўзгаришига йўл қўймаслик. Илдиз системасининг кўмилиб ёки очилиб қолиш ҳоллари муқаррар бўлса, лойиҳаларда дарахтларнинг нормал шароитда ўсишини таъминлаш чоралари кўзда тутилмоғи лозим;

е) майсазорларда ҳамда дарахтга 2,5 метр, бутага 1,5 метрдан яқин масофада қурилиш материалларини тахламаслик, машиналар ва автомобиллар тўхташ жойларини ташкил этмаслик лозим. Ёнувчи материаллар дарахт ва буталардан камида 10 метр нарида жойлаштирилади;

ж) кўтарма кранларнинг излари ва ўрни дарахтлар атрофидаги тўсиқлар бузилмаган ҳолда яшил ниҳоллардан ташқарида жойлаштирилади;

з) дарахтлар ва буталар илдиз системаси зонасида кавлаш йўли билан бажариладиган ишлар асосий илдизлардан пастда (тупроқ юзасидан камида 1,5 метр) илдиз системасига зарар етказмай бажарилиши лозим;

и) янги қурилишларнинг барча участкаларида устки тупроқ қатламини сақлаш, уни йиғиб қурилиш майдони атрофига тўплаб қўйиш лозим. Йиғилган тупроқ қатлами кўкаламзорлаштириш хўжаликларига шу ёки бошқа жойларни кўкаламзорлаштириш учун берилиши керак.

9. Қуйидагилар ман этилади:

а) микрорайонлар, болалар боғчалари ва мактаб майдончаларида ўриндиқлар, ахлат қутилари, ёритгичлар, ҳайкаллар, тўсиқларни ва бошқа жиҳозларни, боғчалар, парклар ва хиёбонлардаги жиҳозларни синдириш;

б) кимёвий қоришмалар, саноат сувлари ва зарарли моддалар ҳамда суюқликларни яшил ниҳоллар устига ёки уларнинг яқинига чиқариб ташлаш;

в) квартал ичкарисидаги ва уйларнинг сирт томонидаги территорияда сабзавот ва полиз экинларини экиш;

г) дарахтлар ва буталарни ўзбошимчалик билан қайта экиш ва кесиш;

д) яшил зонада буюмларни тахлаш, у ёки бу ишни бажариш;

е) дарахтларга ўйиб ёзиш, уларнинг устига чайла қуриш, арқон, сим осиш, мих қоқиш, мевалари, гулларни узиш, дарахтдан шарбат ва смола олиш, майсазорлар ва гулзорларда юриш.

ИРРИГАЦИЯ ХЎЖАЛИГИНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

1. Магистрал ва тақсимлаш каналлари, майда ирригация тармоқлари, гидротехника иншоотлари, сунъий ёмғирлатиш тармоқлари, дренажлар, коллекторлар, улар қаерда жойлашганидан ва қайси идорага қарашидан қатъий назар (кўчадами, паркдами, хиёбондами, ташкилот, корхона ва турар жойлар ҳовлисидами) шаҳар ирригация хўжалиги ҳисобланади.

2. Ирригация тармоқларини муҳофаза этиш, ремонт қилиш ва сақлаш, тозалаш ишларидан кейин балчиқни олиб чиқиб кетиш қуйидагиларга юкланади:

а) транзит-магистрал ва тақсимлаш хўжаликлараро тармоқлари, гидротехника иншоотларида — Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигининг Тошкент область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг Чирчиқ дарёсининг ўнг томонидаги районлараро каналлар группаси бошқармасига, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигининг Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармасига ва ободонлаштириш Бош бошқармасининг ирригация, гидротехник иншоотлар ва кўкаламзорлаштириш махсус ремонт-қурилиш трестига ўз қарамоғлари бўйича; яъни бу ташкилотларнинг ҳар бири ўз балансидаги тармоқлар ва иншоотларга хизмат кўрсатади;

б) суғориш системалари (сунъий ёмғирлатиш) тармоқлари ва иншоотлари, горизонтал ва вертикал дренажлар, шунингдек чиқинди сув коллекторлари бўйича — ирригация, гидротехник иншоотлар ва кўкаламзорлаштириш махсус ремонт-қурилиш трестига, район ижроия комитетларининг обдонлаштириш бошқармаларига, тегишли корхоналар ва ташкилотларга:

в) магистраллар, хиёбонлар, бульварлар, майдонлар ва кўчалардаги майда ирригация тармоқлари бўйича — район ижроия комитетларининг ободонлаштириш бошқармаларига, кварталлар оралиғида — уй-жой ташкилотларига, хусусий қурилиш массивларида — маҳалла комитетларига ва уй эгаларига, корхоналар, мактаблар, касалхоналар ва бошқа ташкилотларнинг территорияларида —маъмуриятга.

3. Янги ирригация системаларини қуриш ва ишлаб турганларини реконструкция қилиш шаҳар сув хўжалиги бошқармаси, Тошкент область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси, ирригация, гидротехник иншоотлар ва кўкаламзорлаштириш махсус ремонт-қурилиш трести ва район ижроия комитетларининг ободонлаштириш бошқармалари билан келишиб олинмоғи лозим.

4. Қуйидагилар ман этилади:

а) ирригация шахобчалари ва гидротехника иншоотларини бузиш, йўқ қилиб юбориш;

б) очиқ ирригация шахобчаларига ишлаб чиқаришнинг тозаланмаган техник чиқиндиларини ва бошқа турли рўзғор чиқиндиларини (ишқорли сув, ювинди, ахлат ва ҳоказо) чиқариб ташлаш;

в) ажратилган участкалар ва ирригация тармоқларида каналлар ва майда ирригация тармоқларини торайтирувчи ишлаб чиқариш ва хўжалик иншоотлари (омборлар, гаражлар, душхоналар, ҳожатхоналар, паррандахоналар ва бошқалар)ни қуриш, қувур-кўприк ётқизиш.

5. Рухсатномасиз ёки рухсатномада белгиланган шартлар бузилган ҳолда сувдан махсус фойдаланиш ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар сув қонунчилиги Асосларининг 46-моддасига биноан жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

IX. ҚЎЧАЛАРНИ ЁРИТИШ, ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ, АЛОҚА ВА РАДИОЛАШТИРИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

1. Кўчаларда, майдонларда, хиёбонларда, турар жой массивлари территорияларида жойлашган ёритиш элементлари (кабель тармоқлар, симёғочлар, ёритгичлар, симлар, иллюминациялар, бошқарув қутилари, газ-чироқ реклама-си, трансформатор подстанциялари)га шаҳар электр ёритиш идораси, Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси ва Тошкент шаҳар радиоэшиттириш узели томонидан хизмат кўрсатилади.

2. Йўллар, майдонлар, хиёбонлар, бино ва иншоотлар, турар жой массивларини барпо этаётган қурувчи-ташкилотлар қуйидагиларга риоя қилишлари шарт:

а) Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси ва шаҳар электр ёритиш идораси билан келишилган ҳолда ажратиб берилган территорияда ёритиш воситалари ўрнатиш ҳамда уни марказлашган усулда бошқаришни кўзда тутиш;

б) кучланиш алоқа кабеллари, радиолаштириш линияси, чироқлар, ёритиш қутилари, светофор кабеллари, транспунктлар яқинида олиб бориладиган ишларни Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси, телефон тармоқлари Бош бошқармаси, шаҳар радиоэшиттириш узели, шаҳарни ёритиш идораси ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг давлат автомобиль инспекцияси билан келишиб олиш;

в) иш бошланишидан олдин назоратни ташкил этиш учун кўрсатилган ташкилотларнинг вакилларини таклиф этиш;

г) техник ҳужжатларда қайд этилмаган ер ости инженерлик коммуникацияларига дуч келинган тақдирда ишни тўхтатиш, коммуникацияларга зарар етказмаслик чорасини кўриш ва бу ҳақда юқорида номлари кўрсатилган ташкилотларга хабар қилиш.

3. Электр узатиш, алоқа ва радио линияларини кўчириш ёки габаритларини ўзгартириш, уларни қайта ётқизиш ишлари шу ишга манфаатдор ташкилотлар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Алоқа ва радиолаштириш, кучланиш кабеллари ҳамда кўча ёритгичларини ўрнатиш ва ремонт қилиш билан шуғулланадиган корхона ва ташкилотлар иш олиб борилаётган зонада транспорт ва пиёдалар қатнови хавфсизлигини таъминлашлари, ГАИ ходимлари эса иш бажарилиши устидан назорат ўрнатишлари керак.

5. Қуйидагилар ман этилади:

а) симёғочлар, трансформатор пунктлари, светофорлар ва ёритишни бошқариш қутилари ёнига ахлат тўкиш;

б) кабелли электр линиялари трассалари, алоқа, радиолаштириш линиялари, светофорлар ёнига турли чиқиндиларни ташлаш, заҳарли суюқликлар (кислота, ишқор ва бошқалар)ни тўкиш, қозиқ қоқиш, турли материалларни тахлаб қўйиш;

в) электр тақсимлаш тармоқлари, ташқи ёритиш ва радиолаштириш тармоқларига ўзбошимчалик билан улаш;

г) чироқлар, ёритгичлар, йўл белгилари; симёғочлар, қутилар, кронштейнлар, светофорлар ва радиокарнайларни ўзбошимчалик билан олиб қўйиш ёки уларнинг вазиятини ўзгартириш;

д) кабель трассаларини, автотранспортнинг симёғочлар, ёритгичлар, транспунктлар, светофорлар, бошқариш қутилари ва йўл белгилари ёнига кириш йўлларини тўсиб қўйиш, дарахт ўтқазиш ва экин экиш.

X. ЕР ОСТИ КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ ЁТҚИЗИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Инженерлик тармоқлари, транспорт ва гидротехника иншоотлари, йўл, тротуарларни қуриш, қайта қуриш ва капитал ремонт қилиш, геология-қидирув қудуқларини қазиш, ёритиш мачталари, турли устунлар ва геодезия белгиларини ўрнатиш ишлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг махсус комиссияси рухсати билан бажарилади.

Қурилиш-монтаж ташкилотларининг раҳбарлари бундай ишларга рухсатнома олиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

а) ерости коммуникацияларини ётқизиш ва ишни ташкил этишнинг архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси тасдиқлаган ва манфаатдор ташкилотлар билан келишиб олинган лойиҳа ҳужжати;

б) бажариладиган иш ишчи кучи, материал, механизмлар билан таъминланажаги, иш жараёнида шаҳарни ободонлаштириш элементлари бузилган тақдирда уни қайта тиклаш муддати қайд этилган кафолатнома;

в) юқори ташкилот тасдиқлаган ва муҳр қўйилган иш графиги.

Янги қурилган тармоқни ишлаб турган тармоққа улаш бўйича ишларни амалга ошириш учун ордерни янги линия қурилишида бош пудратчи бўлган ташкилот олади.

Шаҳар доирасидан четда жойлашган ва шаҳар билан телефон алоқаси бўлмаган ташкилотларга, одатда, ордер берилмайди.

Тупроқ ишларини бажараётган қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари ва буюртмачилар Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг давлат автомобиль инспекция бошқармаси билан келишилган хавфсизлик элементларини ўрнатишлари, шунингдек иш бошланишидан олдин инженерлик коммуникацияларини эксплуатация қилувчи ташкилотларнинг вакилларини объектга чақиришлари керак.

2. Коммуникация ўтказиш пайтида йўл усти қопламаларини бузиш тақозо этилган ҳолларда ана шу қопламаларни қайта тиклаш ордерда кўрсатилган муддатларда ва Тошкент шаҳрида қурилиш олиб бориш қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

3. Материалларни ва ортиқча тупроқни ташиб кетиш, шунингдек йўлнинг қатнов қисмидаги қопламаларни қайта тиклаш, иш тугагандан сўнг 24 соат мобайнида амалга оширилиши керак.

4. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг комиссияси пассажир транспорти ҳаракати амалга оширилаётган йўлларда илгари бошланган ишни тугалламаган қурилиш ташкилотларига янги ишларни бошлашга рухсатнома бермаслик ҳуқуқига эга.

5. Иш тугаллангач, объект район ободонлаштириш бошқармаси вакили ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ободонлаштириш ва якка тартибда уй-жой қурилишини назорат этиш Давлат инспекцияси вакилидан иборат комиссияга топширилади, комиссия тузган акт Қурилиш банки ва бошқа манфаатдор ташкилотлар учун қурилиш ташкилоти томонидан ободонлаштириш элементлари (йўл, йўлка, ирригация тармоқлари, кўкаламзорлаштириш ва бошқалар) ушбу объектда бажарилганини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

6. Ишлаб турган газ, канализация, сув қувурлари, иссиқлик трассалари, телефон, электр кабель линиялари, трамвай ва троллейбусларнинг контакт тармоқларида, шунингдек трамвай йўлларида аварияларни бартараф этиш ишларини истисно тариқасида ордерсиз олиб боришга рухсат берилади. Ордер бир сутка ичида расмийлаштирилади.

7. Авария бартараф этилганидан кейин асфальт ётқизиш ёки ободонлаштиришнинг бошқа элементларини тиклаш инженерлик коммуникацияларидан фойдаланиш ташкилотлари билан бир йил муддатга тузилган шартномага мувофиқ, район ободонлаштириш бошқармалари ва махсус йўл эксплуатация трести томонидан амалга оширилади.

Йўл қопламаларини тиклаш бўйича шартномалар тузиш бундай ташкилотлар («Водоканал» трести, «Ташгаз» бирлашмаси, телефон тармоқлари бошқармаси, трамвай-троллейбус бошқармаси, шаҳар электр тармоқлари идораси, «Таштеплосеть», «Таштеплокоммунэнерго», ГАИ бошқармаси, «Горосвещение» идораси, ирригация, гидротехника иншоотлари ва кўкаламзорлаштириш трести кабилар) учун мажбурийдир.

ШАҲАРНИ ТАШҚИ БЕЗАШ ЖИҲОЗЛАРИНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

1. Вивескалар, реклама витриналари, шчитлар, кўчалар, тупиклар, проездларнинг номлари қайд этилган белгилар, уй номерлари, газ-ёритиш безаклари, уй чироқлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ободонлаштириш Бош бошқармаси билан келишилган ягона намуна бўйича тайёрланмоғи, ҳамиша бенуқсон, тоза сақланмоғи лозим.

2. Ташқи безаш жиҳозларини сақлаш ва уларнинг созлигини назорат этиш бўйича масъулият:

а) кўчалар, тупиклар, проездларнинг номлари қайд этилган лавҳалар учун— район ободонлаштириш бошқармалари;

б) уйларнинг номери учун — ЖЭУ, ЖЭК, ЖКУ ва уй эгалари;

в) вивескалар, реклама ва витриналар учун мутасадди ташкилотлар;

г) стендлар, хотира лавҳалари, бадиий қурилмалар, паннолар, шаҳар Ҳурмат тахтаси учун — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармасининг шаҳарни ташқи безатиш ишлаб чиқариш комбинати, марказий авария-диспетчерлик хизмати;

д) биноларга ўрнатилган газ-ёритгич реклама қурилмалари, магазинлар, ресторанлар, кафеларнинг витриналари учун —халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари, ободонлаштириш Бош бошқармасининг шаҳарни ёритиш идораси;

г) ҳайкаллар, бюстлар, хотира лавҳалари, ҳайкалтарошлик группалари учун — халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари зиммасига юклатилади.

Ўз ҳисобида газ-ёритиш рекламаси бўлган ташкилотлар, корхоналар ва идоралар уларнинг сақланишини, нормал ишлашини таъминлашлари, ўз вақтида ёқиб-ўчиришлари лозим.

Паннолар, витриналар, хотира лавҳалари, бадиий манзаралар, киоскалар, дўконларни ясаш ва ўрнатиш, шаҳардаги муассаса ва ташкилотларнинг кўп қаватли уйлари, маъмурий биноларининг сирти ва ён томонларини газ-ёритгич рекламалари билан жиҳозлаш фақат архитектура-планлаштириш Бош бошқармасининг ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг ижозати билан рухсат этилади.

ҚАБРИСТОНЛАРНИ САҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

1. Тошкент шаҳридаги барча қабристонлар граждан хизмати бошқармаси қарамоғида сақланади.

2. Қабристон маъмурияти қуйидагиларни бажариши шарт:

а) қабристон территориясининг қўриқланиши ва озода сақланишини таъминлаш;

б) гражданлар ва ташкилотларнинг марҳумларни белгиланган санитария нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда дафн этиш, қабр усти ёдгорликларини тайёрлаш ва ўрнатиш ҳамда уларни озода сақлаш бўйича буюртмаларини қабул қилиш ва тасдиқланган прейскурантга кўра ҳақ олиш;

в) гражданларга ижарага ускуналар (белкурак, супурги, ҳаскаш ва бошқалар) бериш;

г) қабристонлар территориясини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш ва ниҳолларни парвариш қилиш;

д) давлат назоратида бўлган қабрлар ва ёдгорликларни озода сақлаш ва ремонт қилиш.

3. Қуйидагилар ман этилади:

а) қабристон маъмуриятининг ижозатисиз қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш, ўзгартириш ҳамда бузиш;

б) қабр усти ёдгорликларини ҳамда ниҳолларни шикастлаш, қабристон территориясига ҳайвонларни олиб кириш ва ифлос қилиш;

в) қабристон ёпилгандан кейин унинг территориясида бўлиш;

г) машиналар, велосипедлар, мотоциклларнинг (автокатафалк ва бошқа махсус машиналар бундан мустасно)нинг киритилиши;

д) ўйинлар ва сайллар ташкил этиш, гулхан ёқиш, спиртли ичимликлар ичиш.

XI. АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ШОВҚИНГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎҒРИСИДА

1. Ҳаво ва сув ҳавзаларига зарарли моддалар чиқарувчи ташкилотлар ва корхоналар бу моддаларни ҳавога чиқаришдан олдин белгиланган нормагача зарарсизлантиришлари шарт.

2. Автотранспорти бўлган корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, хусусий транспорт эгалари ишлатилган ёқилғи-мойлаш материалларини тупроқ ва сувга тўкмасдан, ўз вақтида шаҳардаги автозаправка станцияларига топширилишини таъминлашлари, автотранспортдан чиқаётган газларнинг заҳарлилигини камайтириш учун автомашиналарнинг двигателларини ўз вақтида созлаб туришлари лозим.

3. Қуйидагилар ман этилади:

а) олдиндан тозаланмаган зарарли моддаларни ҳавога чиқариш;

б) ишлаб чиқаришнинг тозаланмаган техник чиқиндиларини ҳамда ҳар қандай маиший чиқиндилар (ювинди, ахлат, ишқор, кислота ва бошқа суюқликлар)ни очиқ суғориш тармоқлари, каналлар, сув ҳавзалари, майсазорлар ва кўчаларга ташлаш ва тўкиш, темир-бетон буюмларни ерга кўмиш, тупроқни ифлослантириш;

в) ахлат, хазон, ишлаб чиқариш чиқиндиларини кўчалар, майдонлар, паркларда, уй ҳовлилари, корхоналар ва ташкилотларнинг территориясида ёндириш;

г) соат 22.00 дан эрталаб 07.00 гача уйлар, касалхоналар ва болалар муассасалари яқинида компрессорлар, пневматик гурзилар, экскаваторлар, бульдозерлар ва бошқа шовқин чиқарувчи машиналар ёрдамида ремонт ва қурилиш ишларини олиб бориш (авариялар бундан мустасно);

д) шаҳар ичида барча турдаги транспортнинг заруратсиз сигнал чалиши;

е) карбюратори ва дудбурони бузуқ, кўп тутун ва шовқин чиқарувчи мотоцикл, мотороллер ва мопедларда юриш;

ж) двигатели, редуктори, дудбурони бузуқ, кўп газ ва шовқин чиқарувчи, шунингдек юк ташиш қоидаларига номувофиқ ҳамма турдаги транспортнинг йўлга чиқиши;

з) шаҳар доирасида Тошкент радиоэшиттириш тармоғи рухсатисиз радиокарнайлар ўрнатиш. Овоз тарқатиладиган территориядан овознинг четга чиқишини ихтоламоқ, кечки соатларда сим-ли эшиттиришнинг овоз даражасини марказлашган усулда пасайтирмоқ лозим.

и) пуфлаб чалинадиган музика асбобларини чалиш.

Ушбу бўлимда белгиланган талабларни бузган мансабдор шахсларга халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари қошидаги маъмурий комиссиялар томонидан огоҳлантириш берилади, ёки 50 сўмгача жарима солинади, бошқа шахслар ва гражданларга огоҳлантириш берилади ёки 10 сўмгача жарима солинади.

Ушбу бўлимда белгиланган талабларнинг бузилишига йўл қўйган шахслар, агар уларга тартиб бузилишининг характери ва уларнинг шахси ҳисобга олинган ҳолда жамоат таъсири ўтказиш маъқул бўлса, материаллар жамоат ёки меҳнат коллективининг ўртоқлик судида кўриб чиқиш учун берилиб, маъмурий жавобгарликдан озод этилишлари мумкин.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

17 ИЮНЬ, 1985 й.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

Р—12332. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Индекс 64690. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11